БҮТҮН ДҮН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 155

14 СЕНТЯБРЬ СЕШАНБА 1954 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

Пахтакор ва механизатор ўртоқлар! Пахта тайёрлаш давлат планини улуғ Октябрь Социалистик революциясининг 37 йиллиги кунигача бажариш учун курашайлик!

Областимиз бўйича 10 октябрьгача йиллик планнинг 45 процента миқдорида пахта берайлик!

Пахтачиликни комплекс равишда механизациялаштириш учун курашайлик

Кучли техника базасига эга бўлган қишлоқ хўжалигимиз йил сайин ривожланаётган. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини комплекс равишда механизациялаштириш тўғрисида доимо меҳрибонлик қилиб келмоқдалар. СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитетининг Ўзбекистон ССРда пахтачиликни янада ривожлантириш ҳақидаги қарорига мувофиқ Иттифоқ ҳукумати республикамиз МТСлари паркига қўшимча равишда жуда кўп ер ҳайдаш, чопиқ тракторлари, ер текислаш механизмлари ва бошқа мукаммал қишлоқ хўжалик машиналари берди. Бу машиналарнинг кучидан тўла ва унумли фойдаланилса, пахтадан мўл ҳосил етиштириш соҳасида янгидан-янги ютуқларга эришаламиз.

Техникадан унумли фойдаланаётган ва механизаторлар блан мустаҳкам ҳамкорликда иш олиб бораётган илғор колхозлар пахта ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини йил сайин оширишга тайёрлар. Бундай колхозларда меҳнат куни кам сарф бўлиб, унинг қиммати ошаётир. Натижада колхознинг моддий экономикаси юқори поғонага кўтарилмоқда. Механизация кучидан самарали фойдаланаётган колхозларда дала ишларининг барча тури юқори сифатли тўлазиниши блан бирга, у, ўз вақтида тугалланмоқда.

Шу кунларда, Тошкентда пахтачиликни ривожлантириш масалалари юзасидан илмий сессия ўз ишини давом этдирмоқда. Сессия қатнашчилари — олимлар, конструкторлар пахтачиликни комплекс механизациялаш учун техника ресурслари етарли эканлигини қайд қилмоқдалар. 1940 йилда Ўзбекистон МТСларида 15 от кучли 14 минтга ер ҳайдайдиган трактор бўлган бўлса, шу йил 1 январьга келиб уларнинг миқдори 30 мингга етди. Шу жумладан бизнинг областьдаги МТСларнинг трактор парки ҳам зўр техника блан тобора кўпроқ бойитилмоқда.

Яна шу факт гоят қувонарлики, биз пахтачиликда чигит экишдан тортиб то ҳосилни йиғиб-териб олгунгача бўлган асосий ишларни механизация ёрдамида бажарамиз. Ерларимиз кучли — гусиничний тракторларда чуқур ва сифатли қилиб ҳайдалмоқда. Борона босиш, ўқариқ олиш, эгат очиш ишларининг тракторлар ёрдамида бажарилаётганлиги учун ҳам, биз кўкламги ва ёзги ишларни ўз вақтида, муваффақиятли ўтказмоқдамиз.

Тракторлардан ва қишлоқ хўжалик машиналаридан фойдаланишни яхшилаш, техникани узлуксиз такомиллаштириш, машиналарнинг йирик социалистик қишлоқ хўжалигининг ҳозирги талабларига жавоб берадиган янги конструкцияларини вужудга келтириш — комплекс механизациялашни тўла амалга ошириш, меҳнат унумини ошириш, қишлоқ хўжалик ишларининг сифатини яхшилаш ва муддатларини қисқартириш, етиштирилаётган экинларнинг ҳосилини оширишда жуда катта роль ўйнайди, қишлоқ хўжалигини юксалтириш вазифаларини муваффақиятли бажарилишига кенг йўл очади.

Тошкентда давом этаётган илмий сессия қатнашчилари механизациядан фойдаланишнинг янги методларини айтиб бермоқдалар. Пахтачилик бригадаларини йириклаштириш йўли блан трактورга эгасизликни йўқотиш муҳим ишлардан биридир. Далачилик бригадалари йириклашганда унинг далаларида ҳарқандай трактор ҳам тўла унум блан ишлайолади. Далачилик бригадаларини йириклаштириб ва шу блан трактор бригадаларини кичиклаштириб, ҳарбир далачилик бригадасига биттадан трактор бригадаси хизмат қилишини та'минлаш масаласи илғор колхозларда синаб кўрилмоқда ва бу яхши натижалар бераётир.

Район партия, совет ташкилотлари ва қишлоқ хўжалик мутахассисларининг энг муҳим вазифаси пахтачиликни ячада ривожлантириш масалалари юзасидан бўлаётган илмий сессияда тавсия этилаётган методларни колхозларда, совхозларда кенг пропаганда қилишдан иборатдир. МТСларнинг колхозлардаги давлат агрономлари янги техникани қўлланишда ташкилотчи, пропагандист бўлмоқлари керак.

Партия ва ҳукуматимизнинг пахтачиликни янада ривожлантириш тўғрисидаги қарорига амалий иш блан жавоб бериш учун курашаётган олимларимиз, конструкторларимиз янгидан-янги қишлоқ хўжалик машиналари яратмоқдалар. Улар пахтакорларимизнинг меҳнатини енгиллатишда юқори унум блан ишлайоладиган пахта териш, кўсак чувиш машиналарининг энг яхши конструкцияларини ижод қилмоқдалар. СХМ-48, тўкилган пахтани ҳам териб кетадиган СХМ-48 М маркали машиналар, УПХ-1,5 кўсак чувиш машиналари шулар жумласидандир.

Аммо областимиздаги кўпгина колхозларда пахта териш машиналаридан тўла ва унумли фойдаланилмаётир, машиналарнинг муваффақиятли ишлатилиши учун етарли даражада шароит яратиб берилмаётир. Пахта териш машиналарининг мавсумда яхши ишлайолиши учун даставвал ғўза баргини сун'ий тўкиш топшириғи ўз вақтида бажарилиши керак.

Броқ, бу вазифа шу кунларда областимиз колхоз ва совхозларида жуда секинлик блан олиб борилаётир. Ғўза баргига сепиш учун дориворлар етарли миқдорда бўлса ҳам уни ташиб олиш, ғўзаларга тезроқ сепиш иши ниҳоят даражада уюшқоқсизлик блан ўтказилмоқда. Айрим колхозларда ғўза баргига дори сепиш топшириғи энди 20—25 процент ўртасида бажарилган. Юқоричирчиқ районида ҳаммаси бўлиб 1000 гектар ердаги ғўзани дорилаш керак эди. Афсўски, дори сепилган пахта майдони 200 гектарга ҳам етмайди.

Пахтачиликда, айниқса энг кўп меҳнат талаб қиладиган йиғим-теримда механизациядан кенг фойдаланиш учун барча зарур имкониятлар бор. Мана шу имкониятлардан тўла ва унумли фойдаланиш, айниқса пахта териш машиналарини муваффақиятли ишлатилишига эришиш партия, совет ташкилотлари раҳбарларнинг, колхоз раислари ва МТС директорларининг энг муҳим вазифасидир. Жонажон Коммунистик партиямиз, севикли Совет давлатимиз етказиб бераётган қудратли, мукаммал тракторлардан, қишлоқ хўжалик машиналаридан янада унумли фойдаланайлик. Пахтачиликни комплекс равишда механизациялаш йўли блан бу соҳада янгидан-янги ютуқларга эришайлик!

Бизнинг ихтиёримизда зўр кучга эга бўлган ДТ-54. С-80. НАТИ КВ—35 маркали жуда яхши ер ҳайдаш, ер текислаш машиналари бор. Биз СХМ-48, СХМ-48 М маркали пахта териш машиналарига, УПХ-1,5 маркали кўсак чувиш машиналарига эгамиз. Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари майдонини тинмай кенгайтиришда бульдозерлар, скреперлар, грейдерлар бизнинг хизматимизда. Партия ва ҳукуматимиз бизга бу соҳада ҳардоим оталарча ғамхўрлик, меҳрибонлик кўрсатиб келмоқдалар.

Вазифа, ана шу зўр техника кучидан тўла ва унумли фойдаланиш, пахтачиликни комплекс равишда механизациялашдан иборатдир. Ана шу тадбирлар амалга оширилганда, республикамизда, шу жумладан областимизда пахтачиликни янада ривожлантириш соҳасида ғоят катта ютуқларга эришамиз.

Барча дала ишларини механизация асосида олиб бориб, мамлакатга янада кўпроқ пахта етказиб бериш учун астойдил курашайлик!

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ҲАҚИДА 1954 ЙИЛ 13 СЕНТЯБРЬГАЧА БЎЛГАН

МА'ЛУМОТ

(процент ҳисоби блан)

Районларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан	Районларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан
Гулистон	0,79	6,44	Оққўрғон	0,52	2,92
Мирзачўл	0,92	5,52	Бўка	0,49	2,66
Сирдар'ё	0,80	5,15	Ўртачирчиқ	0,29	2,53
Верхне-волинск	0,73	4,36	Ўртасарой	0,31	2,18
Калинин	0,74	4,24	Октябрь	0,33	2,06
Пискент	0,57	4,24	Оҳангарон	0,28	2,03
Чиноз	0,56	3,71	Оржоникидзе	0,71	1,93
Ховос	0,50	3,70	Янгийўл	0,32	1,32
Бекобод	0,53	3,43	Куйичирчиқ	0,16	1,17
Юқоричирчиқ	0,56	3,41	Паркент	—	0,25

ОБЛАСТЬ КОЛХОЗЛАРИДА ҒЎЗА БАРГИНИ СУН'ИЙ РАВИШДА ТЎКИШ ЮЗАСИДАН 1954 ЙИЛ 13 СЕНТЯБРЬГАЧА БЎЛГАН

МА'ЛУМОТ

Районларнинг номи	Планнинг бажарилиши (процент ҳисоби блан)	Районларнинг номи	Планнинг бажарилиши (процент ҳисоби блан)
Сирдар'ё	54,1	Октябрь	29,0
Чиноз	47,7	Ўртасарой	27,3
Мирзачўл	46,8	Бекобод	23,8
Бўка	45,1	Ховос	22,3
Гулистон	41,8	Янгийўл	14,8
Оққўрғон	40,5	Юқоричирчиқ	6,0
Ўртачирчиқ	37,2	Оржоникидзе	2,4
Пискент	31,8	Оҳангарон	1,2
Верхне-волинск	31,2	Паркент	—

Япониядаги „Цюбу Ниппон симбун" газетасининг бош редактори Мицуру Судзуки жанобларининг саволларига

В. М. МОЛОТОВНИНГ ЖАВОБЛАРИ

«Цюбу Ниппон симбун» газетасининг бош редактори МИЦУРУ СУДЗУКИ жанобларига

Муҳтарам М. Судзуки жаноблари.

Сизнинг совет-япон муносабатларига тааллуқли саволлар ёзилган хатингизни олдим.

Сизнинг истагингизга биноан, шу саволларга жавоб бераман.

1. «Япония блан СССР ўртасида бетарафлик пакти ёки ҳужум қилишмаслик пакти тузиш тўғрисида

Жанва кенгашидан кейин жаҳон жамоатчилиги ўртасида Шарқ блан Ғарбнинг тотувликда яшашини тезроқ вужудга келтиришни ёқлаш кайфияти кучайиб бормоқда. Япон халқи, унинг жуда озчилигидан ташқари, СССР блан душманчилик муносабатларида бўлишни ёки у блан яна шундай муносабатларга киришни истамайди, албатта.

Шу муносабат блан, Сиз Япония блан СССР ўртасида бетарафлик пакти ёки ҳужум қилишмаслик пакти тузиш мумкинлиги тўғрисида ҳозирги пайтда қандай фикрдасиз?».

Жавоб. Ма'лумки, Совет Ҳукумати бошқа мамлакатлар блан ўзининг муносабатларида турли ижтимоий тузумга эга бўлган давлатларнинг тинч тотув бўлиб яшаши мумкинлиги принципини э'тироф қилишга ва агар манфаатдор томонлар ҳал бўлмаган халқаро проблемаларни бамаслаҳат ҳал қилишни истасалар, шу проблемалар устида бамаслаҳат бир қарорга келиш мумкин, деган фикрга асосланади. Совет кишилари шу нарсага аминдирларки, бундай сиёсат Совет Иттифоқи халқларининг манфаатларигагина мос бўлиб қолмасдан, шу блан бирга, халқаро кескинликни камайтиришга ва тинчликни мустаҳкамлашга интилаётган бошқа мамлакатлар халқларининг манфаатларига ҳам мос бўлиб тушади.

Совет Иттифоқи тинчлик сиёсатини изчиллик блан ўтказмоқда ва СССР блан нормал муносабатларда бўлишга интилаётган ҳамма давлатлар блан шундай нормал муносабатларни ривожлантиришга интилмоқда. СССР Японияга нисбатан ҳам шундай сиёсат тутмоқда, гарчи Япония блан нормал муносабатларни ҳал қилиш пайти келган бўлса ҳам, унинг блан нормал муносабатлар шу вақтгача йўлга қўйилмаган. Албатта бу вазифанинг ҳал қилинишин СССР блан Япония ўртасидаги муносабатларнинг конкрет масалаларини кўриб чиқишга имкон берган бўлур эди.

2. «Япония блан СССР ўртасида нормал муносабатларни қайтадан тиклаш тўғрисида

Иккинчи жаҳон уруши тамом бўлганидан бери 9 йил вақт ўтганлигига ва, айниқса Жанва кенгашидан кейин, кўпгина мамлакатларнинг халқларида Шарқ блан Ғарбнинг тинч тотув бўлиб яшашини қайтадан тиклаш истаги кучайиб бораётганлигига қарамай, Япония блан СССР ўртасида нормал муносабатлар ҳали ҳам тиклангани йўқ.

Шу айтиб ўтилган аҳвол муносабати блан гоят афсусланиб, мен, икки мамлакат ўртасидаги нормал муносабатларни ҳозирги вақтда қайтадан тиклашга қандай тўсқинликлар халақит бераётганлиги тўғрисида Сизнинг фикрингизни билмоқчиман?».

Жавоб. Икки мамлакат ўртасидаги нормал муносабатларнинг қайтадан тикланишига халақит бераётган асосий тўсқинлик менинг фикримча, шуки, Японияннинг муайян доиралари Японияни қарам мамлакат ҳолида сақлаб қолишга интилаётган АҚШ ҳукмрон доираларининг буйруғига қулоқ солмоқдалар. Япония, албатта, ярим оккупация қилинган мана шундай мамлакат ҳолида узоқ вақт қолиши мумкин эмас.

Совет Иттифоқига келганда, у, Япония блан муносабатларни нормаллаштиришга тайёр эканлигини билдиради. Япония ҳам мана шундай қилишга тайёр эканлигини билдиради, деб кўзда тутади.

3. «Япония блан СССР ўртасида Савдо-сотиқни ривожлантириш тўғрисида.

Қўшни мамлакатлар ўртасида савдо муносабатларининг бўлиши, шунингдек мана шундай савдо-сотиқнинг мумкин қадар кўпроқ миқёсда кенгайтирилишини табиий бир ҳол деб ҳисоблайман, бинобарин, япон ва совет халқларининг шундай қилишга муқаррар истаклари бор, деб ҳисоблайман.

Хўш, Япония блан СССР ўртасида савдо-сотиқни қандай конкрет йўллар блан ривожлантириш мумкинлиги тўғрисида Сиз қандай фикрдасиз?».

Жавоб. СССР Япония блан савдо муносабатларини ўзаро манфаатдорлик шартлари блан ривожлантириш тарафдоридир, чунки бу нарса ҳар икки мамлакат халқларининг манфаатларига мос бўлиб тушади. Бу нарса практикада, ҳам, СССР блан Япония ўртасида кенг савдо алоқалари бўлган вақтда исбот этилган, бундай савдо алоқалари ҳар икки томон учун анчагина манфаат бериб турган эди. Шуни қайд қилиб ўтиш керакки, СССР блан Япония ўртасида савдо-сотиқни ривожлантириш соҳасидаги мавжуд имкониятлардан унчалик фойдаланилмаётир.

Совет—япон савдосига манфаатдор шахсларнинг ва делегацияларнинг янада тез-тез учрашиб туриши шу мақсад блан қўриладиган конкрет тадбирлардан бўлиши мумкин эди. СССР блан Японияннинг тенҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик шартлари асосида расмий савдо миссияларини бир-бирларига юборишлари масаласини ҳам муҳокама қилиш мумкин бўлур эди.

4. «Японияннинг қайтадан қуролланиши тўғрисида

Япон халқи қайта қуролланиш ёки қуролли кучларни кўпайтириш натижасида ўз турмуш даражасининг пасайиб кетишини истамайди. Аммо шу блан бирга япон халқи мустақил ва қарам бўлмаган давлатнинг ўз-ўзини мудофаа қилиш минимал эҳтиёжларига ва ўзининг иқтисодий имкониятларига мувофиқ мустақил қуролли кучларига эга бўлишига йўл қўйиши мумкин, деб ўйлайди.

Японияннинг ўз-ўзини мудофаа қиладиган қуролли кучлари ҳақида Сиз қандай фикрдасиз?».

Жавоб. Совет Иттифоқи ҳамма давлатларнинг қуролли кучларини анча камайтириш ва атом, водород қуролларини ҳамда одамларни кўплаб қирадиган бошқа хил қуролларни ҳеч сўзсиз тақиқлаш тарафдоридир. Шу блан бирликда, Совет Иттифоқи ҳарқандай суверен давлат ўз-ўзини мудофаа қилмоқ учун зарур қуролли кучларга эга бўлиши мумкин деган фикрдадир.

Ма'лумки, Япония блан тузиладиган сулҳ шартномаси бўйича Совет ҳукуматининг таклифларида мустақил, тинчликсевар ва демократик Япония ўз-ўзини мудофаа қилмоқ учун зарур қуролли кучларга эга бўлиши мумкинлиги кўзда тутилган эди.

5. «Япония блан СССР ўртасида маданий алоқаларни ривожлантириш тўғрисида.

Мен шу нарсага жуда аминманки, Япония блан СССР ўртасида нормал муносабатларнинг яқин келгусида тикланиши кутилмаган тақдирда ҳам Япония блан СССР ўртасида маданий алоқаларнинг кенгайтирилиши ҳар икки мамлакат ўртасидаги чинакам дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга ижобий та'сир ўтказади.

Бу масала устида Сиз қандай фикрдасиз?».

Жавоб: Совет Иттифоқи бошқа мамлакатлар блан ва шу жумладан Япония блан маданий алоқаларни мамнуният блан боғлайди ва шундай алоқаларни ривожлантиришга бутун чоралар блан интилади. Бошқа мамлакатлардан фан, маданият арбобларининг кўпгина делегациялари кейинги йилларда СССРга келиб кетдилар, совет маданий делегациялари эса бирқанча четэл мамлакатларига бориб келдилар. Ма'лумки, Японияданам ҳам бирқанча делегациялар Совет Иттифоқига келиб кетди. Японияда СССР халқлари блан маданий алоқаларни кенгайтиришга астойдил интилаётган кишилар, айниқса япон интеллигенцияси орасида оз эмас, биз бунга шубҳаламаймиз.

Шу нарсага шубҳа бўлиши мумкин эмаски, бу — Япония блан СССР ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга ижобий та'сир ўтказади, бундай дўстона муносабатларнинг мустаҳкамланишига бизнинг халқларимиз ҳам, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга ва ялпи тинчликни мустаҳкамлашга интилаётган бошқа халқлар ҳам манфаатдордирлар.

Ҳурмат блан **В. МОЛОТОВ.**

1954 йил 11 сентябрь.
Москва шаҳри.

«Цюбу Ниппон симбун» Японияннинг энг йирик саноат марказларидан бири Нагоя шаҳарида умумий тиражи 2 миллиондан ортиқ нусҳада нашр этиладиган та'сирли япон газетасидир.

Москвада отоқли рус шоири А. И. Полежаев хотирасига бағишланган тантанали мажлис

Совет жамоатчилиги рус революцион шоири Александр Иванович Полежаев туғилган куннинг 150 йиллигини нишонлади. 11 сентябрьда Москвадаги Союзлар уйининг Октябрь залида ўтказилган тантанали мажлис рус адабиёти тарихидаги ана шу шонли кунга бағишланди. Пойтахт корхоналарининг вакиллари, олимлар, ёзучилар, сан'ат арбоблари, ўқучи ёшлар буерга тўпландилар.

Ёзучи И. А. Новиков СССР Совет ёзучилари союзи правленкеси ва А. М. Горький номидаги жаҳон адабиёти институти номидан тантанали мажлисни очди. У, Николай замонасидаги энг шафқатсиз реакция даврида декабристларнинг идеяларини давом этдирган ва подшолиқни дадил ва қат'ий фош қилган А. И. Полежаев ижодининг аҳамиятини та'кидлаб кўрсатди. Талантли шоирнинг ижоди Ватанга муҳаббат блан тўлган бўлиб, озодликка чақирар эди.

Филология фанлари кандидати ва шоир тўғрисидаги адабий тадқиқотлар автори И. Д. Воронин А. И. Полежаевнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида доклад қилди.

Кечанинг тантанали қисми тамом бўлганидан кейин концерт берилди.

(ТАСС).

БИРМА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ЛЕНИН ВА СТАЛИН МАВЗОЛЕЙИДА БЎЛИШИ

Ҳозирги вақтда Москвада бўлган Бирма қишлоқ ва ўрмон хўжалиги министри Такин Кьяу Дун бошчилигидаги Бирма қишлоқ хўжалик делегацияси 11 сентябрьда Ленин ва Сталин Мавзолейига келди ва гулчамбар қўйди.

Гулчамбар қўйиш вақтида Бирма Иттифоқининг Москвадаги фавқулодда ва мухтор элчиси Монг Он ва СССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг раҳбар ходимлари ҳозир бўлдилар.

(ТАСС).

Ҳозирги кунларда Тошкентда давом этаётган пахтачиликни янада ривожлантириш тўғрисидаги илмий сессия қатнашчиларидан бир группаси Октябрь районидаги Каганович номли колхозда бўлдилар. Улар колхоз далаларида ғўзаларнинг аҳволи ва пахта йиғим-теримининг бориши блан танишдилар. **Суратда:** (чапдан ўнгга) икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Каганович номли колхозининг раиси **Х. Турсунқулов**, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси **У. Юсупов**, Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг президенти **Т. Д. Лисенко**, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти **Т. Зоҳидов** ва Сурхондар'ё областидаги «Янги рўзғор» колхозининг раиси **Д. Пирназаров** ўртоқлар Каганович номли колхознинг пахта далаларида.

А. Палехов фотоси.

ЎЗБЕКИСТОН ССР НИНГ 30 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА

ЗАВОД ЯНГИ ПАХТА ҲОСИЛИНИ ИШЛАШГА КИРИШДИ

Тошкентдаги Охунбобаев номли 1-нчи пахта тозалаш заводининг коллективи янги пахта ҳосилидан мақсулот ишлабчиқариш учун тайёргарлик ишларини тамомлади.

Пахта момиғи ва пахта толаси ишлабчиқаришни янада кўпайтириш мақсадида яқинда заводга Челябинскдан «Б—374» маркали янги пресс машинаси келтирилди. Эски машинада прессланган пахта ва момиқ тойлари 160—180 килограмм бўлса, бу янги машина 200—220 килограммдан қилиб тойлайди.

Шу кунларда заводнинг Чигириқ, Ўртасарой, Жумабозор ва бошқа пахта қабул қилиш пунктларидан 600 тоннадан ортиқ янги пахта ҳосили келтирилди. Завод бу ҳосилдан пахта толаси ва пахта момиғи ишлаб чиқаришга киришди.

Б. ХАЛИЛОВ.

ОЛИНГАН МАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛМОҚДА

Тошкентдаги «Под'ёмник» заводининг меҳнатсевар коллективи кўтарма кранлар ва бошқа хил маҳсулотлар ишлабчиқаришни ой сайин ошириб бормоқда.

Заводдаги цехлараро мусобақада Зауров бошчилик қилаётган 1-нчи цех ишчилари олдинда бормоқдалар. Бу цех коллективи 8 ойлик ишлабчиқариш планини товар маҳсулоти бўйича 104,8 процент, ялпи маҳсулот бўйича 102,5 процент қилиб бажарди. Шу давр ичида цех коллективи меҳнат унумини 5 процент ошириб, маҳсулот таннархини 1953 йилга нисбатан анча камайтирди. Цех ишчилари Ўзбекистон ССРнинг 30 йиллик юбилейи шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, йиллик давлат планини 21 декабрьгача бажариш, йил охиригача 125 минг сўмлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш, меҳнат унумини планга нисбатан 4 процент ошириш мажбуриятини олганлар. Бу мажбуриятни шараф блан бажариш учун ишчилар ва инженер-техник ходимлар ўртасида рационализаторлик ҳаракати авж олдириб юборилган. Гаврилов, Раҳмонов ва Резников ўртоқларнинг ишлабчиқаришга татбиқ қилинган рационализаторлик таклифлари давлатга юз минг сўмга яқин фойда келтирди.

А. ҚУРАНБОЕВ.

Пойафзалчиларнинг муваффақияти

Тошкентдаги облпромсоветга қарашли «Искра» артелининг коллективи республикамиз спортчиларини пойафзал ва футбол, волейбол, баскетбол тўпларини блан та'минлаб келмоқда.

Артель коллективи бу йил 4 миллион 226 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш мажбуриятини олган эди. Артельнинг ишчи ва хизматчилари олинган мажбуриятни шараф блан бажариш учун фидокорона меҳнат қилиб, 8 ойлик ишлабчиқариш планини муддатидан анча илгари 102,8 процент бажариб, бирнеча минг сўмлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарди.

Август ойи планини 130,4 процент бажарган пойафзал цехининг тикучилари Ўзбекистон ССРнинг 30 йиллик юбилейи шарафига бошланган социалистик мусобақада олдинда бормоқда. 19 йилдан бери шу пойафзал цехида ишлаб келаётган илғор ишчи Абдуқаюм Каримов ойлик ишлабчиқариш нормасини доим 150—200 процентдан бажариб келмоқда. У ўзининг кўп йиллик фидокорона меҳнати учун шаҳар ижроия комитетининг Фахрий ёрлиғи блан мукофотланди.

Артельнинг тикучилик цехи коллективи Каримов сингари илғорлардан ўрнак олиб, йиллик ишлабчиқариш планини муддатидан илгари бажариш учун курашмоқда.

У. УМАРБЕКОВ.

Машинистларнинг ташаббуси

Тошкент тепловоз депосининг машинистлари республикамизнинг яқинлашиб келаётган 30 йиллиги юбилейини меҳнатда янги муваффақиятлар блан кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. Улар халқ хўжалигимиз учун зарур юкларни пландан ташқари кўплаб ташимоқдалар. Оғир вазнли составларни жадал усулда бошқариб бораётган илғор машинистлар айниқса, катта муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар.

Одатда тепловозлар 300 минг километр масофани босиб ўтгач, ўртача ремонтдан ўтадилар. Депо машинистлари локомотивларга меҳр блан қарашлари натижасида тепловозларнинг ремонтлараро муддатини пландагидан анча узайтирмоқдалар. Масалан, машинистлардан Мостовой, Владимиров, Макаров ва Гниломедов ўртоқларнинг локомотивлари техника кўрсаткичидаги нормадан ташқари 40 минг километр йўл босиб ўтди ва пландан ташқари бирнеча минг тонна юк ташиди.

Илғор машинистларнинг ташаббусига деподаги бошқа машинистлар ҳам қўшилмоқдалар. Жумладан, машинистлардан Ефимов, Петров, Молмасов ва бошқа ўртоқлар ўз зиммаларига локомотивларини доимо намунали сақлаб, яхши парваришлаб, пландан ташқари ремонтсиз камида 150 километрдан йўл босиш мажбуриятини олдилар. Ташаббускор машинистлар олинган мажбуриятни шараф блан бажармоқдалар.

Н. ЗОКИРОВ.

Пахтачиликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан илмий сессия

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ва СоюзНИХИнинг қўшма илмий сессиясида пахтачиликни янада ривожлантириш донр энг муҳим масалаларни муҳокама қилиш давом этмоқда.

Янги ерларни ўзлаштириш ва суғориладиган ерлардан фойдаланишни яхшилашга бағишланган доклад ва қўшимча докладлар кенг муҳокама қилинди.

Музокарада Гидротехника ва мелиорация Бутуниттифоқ институтининг вакили, техника фанлари доктори В. А. Шаумян сўзлади. У Ўзбекистоннинг ба'зи олимлари шўр босган ва захоб ерларнинг миқдорини ошириб кўрсатмоқдалар, деб ҳисоблайди. Ҳолбуки бу соҳада ҳисобда бирозгина янглишишга йўл қўйилиши хўжалик ва планлаштириш ташкилотларини нотўғри ориентация қилиб, қисқа муддат ичида ва унчалик кўп маблағ сарфламасдан далаларнинг унумдорлигини ошириш мумкинлигига шубҳа туғдириб, ишга жиддий зарар етказиши мумкин.

Сўнгра ўртоқ Шаумян СоюзНИХИ илмий ходими В. М. Легостаевнинг нуқтаий назарига қўшилиш мумкин эмаслигини айтади, В. М. Легостаев ернинг шўрланишини гўё табиий ҳодиса деб ва бу нарса бутунича ернинг характерига ва хусусиятларига боғлиқ деб да'во қилади. Ҳақиқатда эса кўп ҳолларда ерларнинг мелиорация ҳолати нотўғри суғориш натижасида ёмонлашади.

Ўртоқ Шаумян ғўзани суғоришда сув нормасини кескин суратда камайтириш мумкин деб ҳисоблайди. Илғор хўжаликларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, пахтадан яхши ҳосил олиш учун гектар бошига 7—8 минг кубометр, сун'ий ёмғир ёғдириш йўли блан суғорганда эса ҳозирги вақтда кўпчилик хўжаликларда сарфланаётган 15,5 минг кубометр ўрнига 3—4 минг кубометр сув сарфлаш кифоядир. Каналларда сувни тинитишни камайтириш, суғоришнинг мукаммал усулларини қўлланиш, жумладан ерни намлатиш учун сун'ий ёмғир ёғдирадиган установкалардан фойдаланишни жуда муҳимдир. Суғориш нормаларини кескин суратда камайтириш ерларнинг мелиорация ҳолатини яхшилашгагича эмас, балки янги массивларни ўзлаштириш имкониятини кўпайтиришга ҳам ёрдам беради.

СоюзНИХИ Бухоро зональ комплекс тажриба станциясининг директори В. Е. Кабаев ерларнинг мелиорация ҳолатини яхшилаш соҳасида бу станция томонидан олиб борилаётган ишлар ҳақида муфассал гапириб берди. У, ерларнинг шўрини ювиш ва захини қочиришга имкон берадиган тадбирлар ҳақида гапириб, жумладан, муваққат зовурлар қазишни тавсия этади. Бухоро областида муваққат зовурлар қазиш тажрибаси яхши натижалар берган. Станция томонидан олиб борилган ишлар куз пайтида ернинг шўрини ювиш яхши натижа беришини исботлади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тупроқшунослик институтининг директори Н. В. Богданович Ўзбекистонда пахта майдонларини ва бошқа экинзорларни янада кенгайтириш учун ғоят катта резервлар борлигини кўрсатадиган ма'лумотларни келтиради. Марказий Фарғона, Қашқадар'ё воҳаси районлари, Сурхондар'ё областида жойлашган массивлар бу жиҳатдан перспективага эга. Амудар'ёнинг қуйи этакларида жойлашган районлар суғориладиган деҳқончилик учун жуда катта резерв бўлаолади. Бу районларда пахта етиштириш блан бирга юз мингларча гектар ерларга шоли экиш мумкин.

Н. В. Богданович ҳозирги вақтда суғорилаётган ер майдонларининг қарийб ярми қисми ва биринчи навбатда ўзлаштирилиши керак бўлган ерларнинг деярлик 70 проценти шўр босадиган ва қисман ботқоқланадиган ерлардан иборат эканлигини назарда тутиб, ерларнинг мелиорация ҳолатини яхшилаш масаласини қўяди.

Янги ерларни тез вақт ичида ўзлаштириш проблемасини ҳал этишда тупроқшунос олимлар катта роль ўйнайдилар. Улар ер шўрини кетказишнинг энг рационал йўлларини қидириб топишлари лозим. Текшириш ишлари савиясини ошириш учун Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ҳузурида энг янги аппаратлар блан та'минланган махсус тупроқмелиорация лабораториясини ташкил этиш зарур.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Геология институтининг вакили, геология-минералогия фанлари кандидати А. И. Шевченко ўз сўзида ерларнинг мелиорация ҳолатини яхшилашда гидрогеологик текширишлар олиб боришнинг муҳим ўрин тутганлигини кўрсатади. У суғориладиган ҳамма районларда, шунингдек янги ерлар ўзлаштирилаётган районларда ерости сувларининг режимини синчиклаб ўрганиш зарурлиги масаласини қўяди. Гидрогеологик жиҳатдан районлаштиришни амалга ошириш мелиорация ишлари ва экинларни жойлаштириш масаласини тўғри ҳал этишга имкон беради, мелиорация ишларида ҳам, экинларни суғориш учун қўшимча сув ресурсларига эга бўлишда ҳам вертикаль зовурлардан комплекс равишда фойдаланишга ёрдам беради. Гидрогеологик жиҳатдан районлаштириш илмий жиҳатдан анча аҳамиятга эга бўлиб, ерости сувларида юз берадиган гидродинамик ва гидрохимик процессларнинг қонуниятларини ўрганиш учун янги йўлларни очиб беради, уларни билиш бу процесларни бошқариш методларини ишлаб чиқишга имкон беради.

Сессия қатнашчилари Ўзбекистоннинг донгдор пахтакори — Янгийўл районидаги Ворошилов номли колхоз раисининг ўринбосари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Сталин мукофоти лауреати Н. Ниёзовнинг нутқини зўр э'тибор блан тингладилар. У, паст-баландлик жойлари бўлган участкаларда суғоришнинг ўзи ишлаб чиққан методи ҳақида гапириб берди ва суғоришни табақалаштириб ўтказишнинг муҳимлигини та'кидлади. Ўртоқ Ниёзов кўпйиллик кузатишлар асосида дастлабки икки суғоришни камайтирилган норма блан, шундан кейинги суғоришларни эса сув нормасини ошириб, ўтказиш мақсада мувофиқ, деган хулосага келган.

Колхоз ишлабчиқаришининг новатори пахтанинг ўзи етиштирган ва «барака» деб аталган янги сортини муфассал характерлаб берди. Ўртоқ Ниёзов олимларга мурожаат қилиб, яна тажриба ишларни олиб боришда ўзига ёрдам беришларини илтимос қилди.

Озарбайжон Пахтачилик илмий-текшириш институтининг вакили И. Алиев сессия қатнашчиларининг э'тиборини пахта далаларини суғориш усулларини такомиллаштиришдек масаланинг жуда актуаллигига жалб қилади. Суғориш системаларидан фойдаланиш даражасини ошириш ва сувдан фойдаланишни яхшилаш — пахта ҳосилини кўпайтириш, ернинг унумдорлигини ошириш, экин майдонларини янада кенгайтириш вазифасини муваффақиятли равишда ҳал қилишнинг зарур шартидир.

Ўртоқ Алиев Озарбайжон Пахтачилик институти амалдаги суғориш системасида ғўзани суғоришнинг янги усулларини қўлланиш соҳасида бирқанча текшириш ишлари ўтказганлигини ма'лум қилади. Ғўзани биринчи марта суғорганда қисқа эгат олиш, шунингдек ер нишабига қараб бирмунча кўндаланг қўшимча эгат олиш мақсадга мувофиқ эканлиги аниқланди. Бундай қилиш сувни бутун майдонга тез оқизишга ва шу равишда, ернинг биртекис намланишини та'минлашга, сувнинг чуқурликка сингиб кетиб ва участка бетидан оқиб кетиб нобуд бўлишини камайтиришга имкон беради. Ҳархил узунликдаги эгатлар орқали суғориш ерни намлатиш учун сарф қилинадиган сув миқдорини кескин суратда камайтириш имконини беради. Масалан, Сафаралиев районидаги Маленков номли колхоздаги тажриба участкасида суғориш нормаси экиш олдидан ўтказиладиган суғоришни ҳам қўшиб ҳисоблаганда гектар бошига фақат 4 минг кубометрни ташкил этди. Касум-Исмоилов районидаги Хрушчев номли колхозда ҳар гектар ерга сарфланадиган сув миқдори янада камроқ бўлиб, қарийб уч минг кубометрни ташкил этди. Суғоришдаги янги усулнинг афзаллиги шундан иборатки, бу усул ғўза парваришининг бутун комплексини ўтказиш муддатларини қисқартиришга ёрдам беради.

СССР Фанлар Академияси География институтининг вакили, география фанлари доктори В. Н. Куҳин вертикаль зовурлар қазиш катта афзалликларга эга эканлиги ҳақида гапиради. Бундай зовурлар ерости сувларини пасайтиришга та'сири остида тез ювилиб кетганлиги учун структурасиз деб ҳисоблаганлар. Лекин ишлабчиқариш ва тажриба ма'лумотлари Ўрта Осиёнинг соғ тупроқ ва соғтупроқсимон ер қатламларида ҳосил бўлган бўз тупроқларнинг жуда унумдор эканлигини кўрсатади. Агротехникага тўғри риоя қилганда бундай ерлардан мўл ҳосил олиш мумкин. Очиқ рангли бўз тупроқ ерлар, гарчи улар мустаҳкам структурага эга бўлмаса ҳам, айниқса унумдор бўлади. Жумладан, СоюзНИХИнинг Пахтаорол комплекс зональ станцияси, Оққовоқ марказий агротехника тажриба станцияси ва Федченко мелиорация тажриба станцияси ходимларининг текширишлари бунга далил бўлаолади. Бу текширишлар бўз тупроқ ерлардаги ўсимликлар сувни ва озиқа моддаларини бемалол ўзлаштираолишини кўрсатади.

Минерал ўғитлардан фойдаланишнинг самарали бўлиши соҳасида ҳам Ўрта Осиё тупроқларига шундай баҳо бериш мумкин. Ма'лумки, суғориладиган районларда фосфор блан бирга қўшиб солинган азотнинг ҳарбир килограмми пахта ҳосилини ўрта ҳисоб блан 10 — 12 килограмм кўпайтиради. Бинобарин, бўз тупроқ ерларга минерал ўғитлар солинса, айниқса азот блан фосфор қўшиб солинса яхши натижа беради.

Деҳқончилик юксак даражада интенсив йўл блан олиб борилганда, — деди С. Н. Рижков, — тупроқнинг хилмахил маданий турлари вужудга келади ва бу хил тупроқлар ўзларининг илгариги табиий тузилишларидан фарқ қиладилар.

Ўрта Осиёнинг суғориладиган районларидаги шароитида ғўза экилабериши натижасида тупроқнинг хусусиятлари айниқса яхшиланади. Ҳозирги вақтда Ўрта Осиёнинг суғориладиган ерларида физик хусусиятлари яхши бўлган қалин ва маданий ҳайдов қатлами вужудга келди. Бу тупроқ қатламларида микроорганизмларнинг ҳаёти учун яхши шароит вужудга келган ва ўсимликлар хазм қиладиган озиқли моддалар анчагина кўп. Бундан қуйидаги хулоса чиқади: Ўрта Осиёнинг суғориладиган ерларида трактор блан ҳар йил чуқур қилиб ҳайдаш, ғўзақатор ораларини яхшилаб ишлаш ва суғориб туриш, шунингдек минерал ўғитлар солиб туриш йўли блан шундай шароит вужудга келтириладики, бу шароитда тупроқда янги хусусиятлар ва янги процесслар пайдо бўлади. Агар ҳозир ишлатилиб келаётган агротехника тадбирлари тўғри олмошлаб экишлар блан тўлдирилганда эди, бу процесларга янада кучлироқ та'сир ўтказилган бўлур эди.

Докладчи ерларнинг унумдорлигини янги босқичга кўтаришда олмошлаб экишларнинг катта аҳамияти борлигини кўрсатиб ўтади. Тажрибалар натижасида олинган ма'лумотлар шуни кўрсатдики, юксак унумдор ерларда олмошлаб экиш даврасининг охирида пахтанинг ҳосили камаймайди. Бинобарин, ғўза кўпроқ экилишини ва олмошлаб экишда пахтанинг салмоғи кўпроқ бўлишини назарда тутиб, тузилган олмошлаб экишларни жорий қилиш мумкин.

Тупроқнинг унумдорлигини ва пахтанинг ҳосилини ошириш соҳасидаги тадбирларнинг ҳаммасида, — дейди правардида докладчи, — мавжуд шарт-шароитни ҳисобга олиб, табақалаштирилган ҳолда ўтказилиши лозим.

Тожикистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий а'зоси И. Н. Антоновкаратаев ўзининг қўшимча докладида Ваҳш водисида тупроқнинг унумдорлигини ошириш соҳасида ўтказилган текширишларнинг натижаларини гапириб берди. Маҳаллий ўғитларни солиб ерни 30—40 сантиметр чуқурликда ҳайдаш, шунингдек ўтлар қатламини чуқур қилиб ҳайдаш яхши натижалар берди. Шу туфайли органик моддаларнинг та'сири анча узоқ муддатгача сақланиб қолади, бу эса пахта ҳосилини оширишга ёрдам беради.

Союз НИХИнинг илмий ходими П. В. Протасов ўзининг қўшимча докладида тупроқнинг унумдорлик хусусиятлари ва пахта ҳосилини оширишда ўғитларнинг роли масаласига тўхталиб ўтди. Оққовоқ агротехника станциясининг ва Союз НИХИнинг Фарғона зонал тажриба станциясининг тажрибалари натижасида, тўғри пахта—беда олмошлаб экишларини жорий қилиш йўли блан кўп ўғит солмасдан ҳам пахтадан анча мўл ҳосил олиш мумкинлиги аниқланди.

СССР Фанлар Академиясининг корреспондент а'зоси Н. А. Красильников «Микроблларнинг антоганизми тупроқларни соғайтириш факторидир» деган темада қўшимча доклад қилди.

Техника фандари кандидати Е. И. Квасниковнинг қўшимча доклади суғориладиган ерларда пахта ва ўтлар ҳосилини оширишнинг микробиологик асослари масаласига бағишланди.

* * *

Пахтачиликни янада ривожлантириш масалалари бўйича ўтказилаётган бирлашган илмий сессия қатнашчилари 12 сентябрьда колхозларга ва тажриба станцияларига бориб келдилар, Олимлар пахтадан мўл ҳосил олаётган колхозлардан Октябрь районидаги Каганович номли, Янгийўл районидаги Сталин номли, Ўртасарой районидаги «Полярная звезда» ва Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозларнинг иш тажрибалари блан танишдилар.

Сессия қатнашчилари Ўрта Осиё суғорладиган деҳқончиликни механизациялаш ва электрлаштириш илмий текшириш институтида, Союз НИХИнинг марказий селекция станциясида ва союз НИХИнинг Оққовоқдаги марказий агротехника тажриба станциясида бўлдилар. Олимларнинг бир группаси Мирзачўл тупроқлари блан танишди ва Самарқандга бориб келди. (ЎзТАГ).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Тошкент темир йўлининг Тошкент области бўйича етакчи касбдаги старший ва ўрта бошлиқлар составини орден ва медальлар блан мукофотлаш тўғрисида*)

Темир йўл транспортида кўп йил хизмат қилганликлари учун СССР Олий Совети Президиумининг 1949 йил 26 июльдаги Фармонига мувофиқ **мукофотлансинлар**.

«МЕҲНАТДА ҲУРНАК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БЛАН

116. Мария Осиповна **Леличева** — темир йўл Тошкент бўлимининг эстакада стрелкачиси.

117. Нина Григорьевна **Леонова** — Урсатьевск вагон участкасининг старший бухгалтери.

118. Николай Пименович **Маковский** — Тошкент вагон участкасининг старший вагон мастери.

119. Антонина Федоровна **Лисицкая**— Урсатьевск сигналлаштириш ва алоқа дистанциясининг электромеханиги.

120. Анна Михайловна **Литвиненко**— Урсатьевск бўлими эксплуатация бўлимининг хавфсизлик бўйича инженери.

121. Владимир Гурьянович **Логинов** —Тошкент проводниклар резерви пассажир поезднинг бошлиғи.

122. Вера Захаровна **Логинова** — Урсатьевск бўлими сиёсий бўлимининг инструктори.

123. Александра Николаевна **Магидович** — темир йўл Тошкент бўлими сиёсий бўлимининг инструктори.

124. Собир **Мақсудов** — Тошкент проводниклар резерви пассажир поезднинг бошлиғи.

125. Геннадий Федорович **Малозёмов** — Тошкент вагон участкасининг старший вагон назоратчиси.

126. Уалихон **Мамитбеков** — Қизилту станциясининг навбатчиси.

127. Қорабой **Мансуров** — Урсатьевск станциясининг стрелкачиси.

128. Ваҳоб **Маҳкамов** — молия бўлимининг поездлар контролёр-ревизори.

129. Прасковья Николаевна **Микусик** — ҳаракат хизматининг старший инженер-экономисти.

130. Николай Матвеевич **Минаев** — Тошкент алоқа дистанциясининг старший электромеханиги.

131. Нина Григорьевна **Минаева** — Кучлик станциясининг стрелкачиси.

132. Мирҳамид **Миргазамов** — Тошкент вагон участкасининг поезд-вагон мастери.

133. Жамила Хайдаровна **Мирбадалова** — электр-механика мастерскойнинг йўл инженери.

134. Евгения Григорьевна **Мирошникова** — 56-нчи разъезд стрелкачиси.

135. Захар Хутдинович **Мифтахов** — Тошкент кондукторлар резервининг бош кондуктори.

136. Пўлат **Музрапов** — Тошкент проводниклар резерви пассажирлар поезднинг бошлиғи.

137. Павел Ефимович **Назаренко** — Велико-Алексеевск электростанциясининг бошлиғи.

138. Суярқул **Назарқулов** — Урсатьевск паровоз депосининг машинисти.

139. Амина **Назарова** — Урсатьевск ёқилғи складининг стрелкачиси.

140. Марзия Шабановна **Нарикова** — Урсатьевск станциясининг стрелкачиси.

141. Нормат **Нортожиев** — Тошкент кондукторлар резерви пассажир поезднинг бошлиғи.

142. Антонина Алексеевна **Нижегородцева** — Урсатьевск йўл дистанцияси паспорт столининг бошлиғи.

143. Ёқуб **Низомов** — 53-нчи разъезднинг стрелкачиси.

144. Клавдия Петровна **Николаева** — Тошкент вагон участкасининг поезд-вагон мастери.

145. Николай Иванович **Никифоров** — Тошкент товар тепловоз депосининг машинисти.

146. Василий Нестерович **Новик** — Урсатьевск сигналлаштириш ва алоқа дистанциясининг электромеханиги.

147. Абдумалик **Нормирзаев** — Тошкент йўл дистанциясининг йўл мастери.

148. Аҳмаджон **Нурматов** — йўл бошқармаси раҳбар кадрлар секторининг бошлиғи.

149. Мирвали **Нурмухамедов** — Тошкент вагон депосининг старший мастери.

150. Федор Егорович **Омишев** — Урсатьевск паровоз депосининг машинисти.

151. Алексей Константинович **Орлов** — Тошкент узел партия комитетининг секретари.

152. Михаил Акимович **Осипов** — Урсатьевск паровоз депосининг машинисти.

153. Александра Николаевна **Павленко** — молия бўлимининг экономисти.

154. Анастасия Александровна **Пельюшенко** — Овлиқ станциясининг навбатчиси.

155. Георгий Сергеевич **Петров** — Урсатьевск бўлими теплотехника секторининг бошлиғи.

156. Ирина Гавриловна **Петрова** — Урсатьевск вагон депосининг старший инженери.

157. Нурмахман **Пирматов** — Урсатьевск станциясининг стрелкачиси.

158. Вера Гавриловна **Пирог** — юк ташиш ишлари ва юк ташишни планлаш хизматининг старший бўхгалтери.

159. Султон **Пирназаров** — Тошкент товар станцияси тепловоз депосининг машинисти.

160. Николай Иосифович **Погоняев** — Урсатьевск паравоз депосининг машинисти.

161. Борис Павлович **Погорелов** — Тошкент товар тепловоз депосининг машинисти.

162. Виктор Яковлевич **Подмосковный** — Хилкова станцияси бошлиғининг старший ёрдамчиси.

163. Раиса Филипповна **Подольская** —Сирдар'ё станциясининг стрелкачиси.

164. Дарья Григорьевна **Пожидаева** — Пахта станциясининг стрелкачиси.

165. Игорь Федорович **Полумордвинов** — Сергели йўл дистанциясининг инженери.

166. Владимир Петрович **Поляков** — йўл хизматининг бўлим бошлиғи.

167. Терентий Павлович **Попович** — Тошкент пассажир станцияси паровоз депосининг машинисти.

168. Анатолий Андреевич **Потапов** — Тошкент йўл дистанцияси кўпрукларни текшириш группасининг инженери.

169. Шариф Гизянович **Псянчин** — Тошкент из-йўл станцияси из колоннасининг бошлиғи.

170. Жалол **Пўлатов** — Тошкент проводниклар резерви пассажир поезднинг бошлиғи.

171. Антонина Захаровна **Рагулина** — Ғарбий разъезднинг стрелкачиси.

172. Фира Борисовна **Рапопорт** — Тошкент товар станцияси тепловоз депосининг инженери.

173. Мирқодир **Рахимбоев** — молия бўлимининг поездлар контролёр ревизори.

174. Елизар Григорьевич **Резникин** — Урсатьевск кондукторлар резервининг бош кондуктори.

175. Александр Сергеевич **Решетников** — Ўртаовул станциясининг навбатчиси.

176. Михаил Павлович **Родионов** — йўл хизматининг старший инженери.

177. Мавлон Рустамович **Рустамов** — Урсатьевск бўлими эксплуатация бўлими бошлиғининг ўринбосари.

178. Михаил Кузьмич **Рябушев** — Тошкент товар станцияси тепловоз депосининг машинисти.

179. Валентина Мировна **Рябушкина** — Сергели йўл дистанциясининг йўл назоратчиси.

180. Рафиқ **Собиржонов** — Тошкент вагон участкасининг поезд-вагон мастери.

181. Қуроқбой **Содиқов** — Ченгелди станциясининг навбатчиси.

182. Муҳаммаджон **Содиқов** — Тошкент пассажир станцияси паровоз депосининг машинисти.

183. Сайдимахмуд **Саидхўжаев** — Тошкент йўл дистанцияси сиёсий бўлими бошлиғининг ўринбосари.

184. Мария Игнатьевна **Сарканина** — Аққа станциясининг навбатчиси.

185. Борис Низамович **Сафин** — Тошкент товар станцияси тепловоз депосининг машинисти.

(ДАВОМИ БОР).

*) Боши «Тошкент ҳақиқати»нинг 21, 22, 25, 27, 31 август ва 4 сентябрь сонларида босилган.

Ҳалол меҳнат бахт келтиради

Олтин куз. Колхоз боғларида ширин-шакар мевалар ғарқ пишган; қимизак олмаларнинг икки бетига тарам-тарам қон югуриб, қуёш нурида товланади. Ҳосили мўллигидан шоҳлари эгилиб ётган нок-нашватиларнинг бир донасини узиб есанг, оғзингда бол эрийди. Полизлардаги ананас қовунлар бепичоқ тарс-тарс ёрилиб кетади. Тарвузлар семизлигидан пушталарга сиғмайди... Колхозчилар ҳалол меҳнат блан етиштирган бу хилма-хил нозу-не'матларнинг қайсибирини санайболасан!

Мана, Янгийўл шаҳар консерва заводининг кенг дарвозаси. Турнақатор машиналар кузнинг тўкин-сочин ана шу ҳосилларидан ортиб, ичкарига кириб бормоқда. Тарозибон юкни машинаси блан бирга катта автомат торозида тортиб олиш учун шошилади: «Ўнга бур, чапга қайтар, жуда соз» деган шоферларнинг овозлари қайноқ ҳаётни янада жонлантириб юборади. Улар бир-бирларидан: «Бугун нима келтирдинг, олмами, нокми, ёки кечагидек қулинг ўргулсин қизил уруғми?» деб сўрашади...

Худди шу пайт сабзавотчилик цехидан бригада бошлиғи Сабиҳа опа чиқиб келди. У, тарозибон қабул қилаётган маҳсулотларнинг сифатини бир-бир кўздан кечирди-да, машиналардан юкларнинг туширилиб бўлишини кутиб, гўллар орасидаги скамейкаларда суҳбатлашиб ўтирган шоферлар ёнига борди:

— Салом, ўртоқлар, — у кўпдан бери таниш бўлиб қолган қадрдон кишилар блан саммий кўришди. Шоферлар бўлса ҳар тарафдан унга савол ташлайбошладилар:

— Айтингчи, Сабиҳа опа, кечаги ананаснинг вареньеси яхши бўлдими?

— Биз келтирган «Золотой пармен»нинг консервасичи?

— Кабачкининг консерваси ҳам чакана бўлмагандир, — деди семиз гавдали бир шофер ҳазил аралаш. Унинг бу саволи ҳаммани кулдирди.

— Нега куласизлар, — жиддийлашиб сўзида давом этди у, — аввало кабачки консервасидан татиб кўринглар. Сизлар келтирган нози-не'матлардан унинг маззаси қолишмайди. Ёғда пишади-да. Қовурилгандан кейин-а,... тўғрими опа?

— Жуда тўғри, — Сабиҳа опа унинг фикрини қувватлади, — мен сизларга, ҳозир...

У,илдам юриб, цехга кириб кетди ва ҳозиргина тайёрланган бирнеча хил консерва намуналарини шоферлар олдига олиб келди:

— Мана, ўзинглар татиб кўринглар. Булар кеча келтирилган маҳсулотлардан тайёрланди.

Шоферлар Сабиҳа опанинг бу сўзидан тааажжубланишди:

— Шунча тезлик блан-а? — сўрашди улар.

— Ҳа, — тушунтирабошлади Сабиҳа опа, — ҳамма иш машина ёрдами блан бўлди-да. Цехимиз бир сменада 16 минг банка консерва тайёрлайди.

Шоферлар ананас вареньеси, кабачки ва олма консерваларини зўр иштаҳа блан едилар. Кабачкининг мазаси ҳам чакки эмас эди. Шу пайт завод гудоги ҳайқириб, иккинчи смена иши бошланишидан дарак берди. Сабиҳа опа шоферлар блан хайрлашиб цехга—ишга жўнар экан, шоферлардан бири:

— Ғайратли,ақлли аёл, — деди.

* * *

Тушки овқат вақтида бир нафас ҳаракатдан тўхтаган агрегатлар яна қудратли овоз чиқариб, ишга тушиб кетди. Цехда қайноқ меҳнат нафаси кезабошлади. Дастлабки операциядан чиқарилган бақлажонлар цех ишчилари Ермолова ҳам Акулиналар томонидан элеватор ваннасига тўкилабошланди. Ванна бақлажонларни автомат усулида ювиб, яқиратиб тозалади-да, уларни лентали транспортер орқали юқорига—қирқув агрегатига ҳайдайбошлади.

— Яхши, бир текис қирқаяпти, ишни жадаллаштиребералинглар, — қирқув станогини жуда ёлғиз блан бошқараётган Карустинанинг овози эшитилди.

— Қани, Анна, энди печьга туширавер!

Анна Казакова пар блан ишлаётган печьларга қирқилган бақлажонларни жойлашга киришди. Бақлажонлар ёғ блан тўлдирилган печькаларда бир дақиқадаёқ қоврилиб, пишиб ленталар орқали ёғ силқитучи сеткаларга ,ундан уруғ ва пўстини тозаловчи тратерка машинасига ўтабошлади.

Шу пайт, бўлимларни айланиб, иш блан танишиб юрган цех бошлиғи Эргаш Ҳайдаров қориш агрегати олдига — иш бошлаш тарадудида турган Вавилова ва Дудниковаларнинг ёнига келди:

— Ҳамма нарса тахтми? — сўради бошлиқ улардан.

— Тахт, Эргаш Ҳайдарович..., — Вавилова ҳали жавоб беришга улгурмаган ҳам эдики, ярим тайёр маҳсулот қориш қозонларига қуйилиб тушабошлади.

Вавилова чаққонлик блан машина кнопкасини босиб, моторни ишга солиб юборди. Цехда асосий иш бошланиб кетди: қорилган маҳсулотлар воронкалар орқали ер ости насосларига қуйилиб, орадан ма'лум вақт ўтгач, яна шу насосларнинг ўзидан юқорига кўтарилиб, цехнинг нариги томонига ўрнатилган катта қувурлар ёрдами блан тақсимлаш воронкасига етиб келди. Цех бошлиғи Эргаш Ҳайдаров қўлини кўтариб, Сабиҳа опага: «банкаларни тайёрланг» ишорасини қилди. Бир нафас ичида юзлаб банкалар лентали транспортерда оқиб келди. Сабиҳа опа қизларга:

— Қани ишни бошладик, чаққон ҳаракат қилинглар, — деди ва ўзи ҳам енг шимариб ишга киришиб кетди. Воронка автомат усулида ҳарбир банкага 500 граммдан консерва тақсимлаб солар, қизлар бу банкаларга эпчиллик блан қопқоқ ўрнатар, Сабиҳа опа бўлса қизлар ўрнатган қошқоқларни махсус машина ёрдамида маҳкам ёпиштириб, шилиб қолишар.

мустаҳкамлар, тўладан келган ёш ишчи Эргаш Эркабоев, банкаларни вагонеткаларга илдамлик блан жойлаб, маҳсулотни 116 даражадаги иссиқ парда дамлайдиган автоклювкага ташир эди...

Орадан бир-икки соатча вақт ўтди. Сабиҳа опа юзлаб банкаларни вагонеткаларга тайёрлаб берди, назоратчи Иброҳим Низомиддинов дастлаб биринчи 800, кейин, иккинчи 800 банка консервани дамлаш автокловкасига жойлади. Ҳар 90 минутда 1.000 банка консерва завод омборига жўнатилиб турилди. Смена иши тамомлангач, цех бошлиғи барча ишчиларни бир нафас йиғиб, бугунги иш натижасини эшитдирди:

— Ўртоқлар, — деди у, — бугун 17 минг банка консерва тайёрладик, бу бир кунлик нормамиздан 1.000 банка ортиқ демакдир. Ғайратларингизга балли, — Эргаш Ҳайдаров Сабиҳа опанинг қўлини маҳкам қисиб сўзида давом этди, — ўртоқ Абдуллаева, сизнинг бригадангиз ҳарсафарғидек бугун ҳам самарали иш қилди. Бригадангиз ҳамиша тақдирга сазовор.

* * *

Дам олиш куни. Кечки пайт. Завод парки бўйлаб ёқимли, кечки шабада ғир-ғир эсмоқда. Ётоғига эндигина бош қўяётган қуёшнинг зар шу'лалари гул япроқларида, очилишга тайёр турган намозшом гулларининг ғунчаларида ўйнайди. Музиканинг шўх, қувноқ садолари кишига завқ бағишлайди. Паркка тўпланган кишилар, ишчи ва хизматчилар, инженер-техник ходимлар бўлажак тантанали мажлисни сабрсизлик блан кутмоқдалар.

Сабиҳа опа ҳам шу ерда. У ўз бригада а'золари блан эртанги ишнинг режалари ҳақида суҳбатлашмоқда. Сабзавотчилик цехи эртага консервининг янги хилини ўзлаштиради. Тўғри, бу хилдаги консерва илгарилари ҳам бирнеча бор тайёрланган. Лекин, цехда янги ишчилар кўп. Уларга иш бошлаш олдидан маслаҳат бериш зарар қилмайди. Эҳтимол шундай қилинмаса улар эртага шо-

— Қани ким айтади? — сўради Сабиҳа опа бригадасига бу йил келган қизлардан, — болғар гаримдорисига қандай қилиб қийма жойланади?

Опанинг бу саволи аввала қизлар учун жуда галати туйилди. Улар, «бу ишнинг қандай қийинчилиги бор экан, ёки бунда ҳам бирор «сир» бормикин» деб ўйлашди ва ҳамма ҳархил жавоб берди. Сабиҳа опа қизларнинг фикрини эшитиб бўлгач, хулоса ясади:

— Тўғри, сизлар айтганча тайёрланса ҳам бўлади, — деди у. — Лекин, бунда ишимиз унмайди. Ҳаракатимиз кўп, олган натижамиз кам бўлади, — Сабиҳа опа диққат блан тинглаб турган қизларга бир-бир қараб чиқди-да сўзида давом этди, — қиймани беш бармоқ блан жойлаш яхши натижа бермайди, биринчидан, гаримдори ёрилиб кетади, иккинчидан, кўп вақтни олади. Гаримдорини қийма тўкилган тахта устига қўйиб, қиймани фақат бош бармоқ блан жойланса, иш тез ва сифатли бўлади.

Опанинг бу маслиҳати қизларни хурсанд қилди. Улар эртанги ишни ўз муддатида бошлай олишга қаноат ҳосил қилдилар. Қизлар опадан яна нималарнидир сўрамоқчи эдилар, лекин мажлис бошланадиган бўлиб қолди...

Заводнинг бош инженери Филипп Яковлевич коллектив эришган муваффақиятлар тўғрисида мукаммал сўзлаб, сабзавотчилик цехи ҳақида алоҳида тўхталди:

— Эргаш Ҳайдаров бошчилик қилаётган цех ишчи ва хизматчилари, — деди у, — 8 ойлик давлат планини ҳамма кўрсаткичлар бўйича биринчи бўлиб ортиғи блан бажарди. Ватанимизга 101 процент а'ло сифатли маҳсулот топширилди. Меҳнатсевар коллектив шу ўтган давр ичида 1.193 килограмм макарон, 4.250 килограмм гўшт, 5.858 килограмм ўсимлик ёғи иқтисод қилди. Цехнинг бу ютуқларга эришишида Сабиҳа Абдуллаеванинг бригадаси бошқаларга намуна кўрсатиб ишлади. Мен, — деди Филипп Яковлевич Олейников ўз сўзида давом этиб, —сизларга севинчли хабар эшитдирмоқчиман. Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи ишлабчиқаришда юксак натижаларга эришганлигимиз учун бизга топширилди. СССР Озиқ-овқат министрлиги сабзавотчилик цехини, унинг бошлиғи Эргаш Ҳайдаровни, Сабиҳа Абдуллаевани, шунингдек, мевачилик цехининг варенье бўлимини Фаҳрий ёрлиқ блан мукофотлади ва уларга «А'ло сифатли маҳсулот ишлабчиқарувчи» номи берилди...

Залда узоқ қарсаклар янграб, йиғилганлар мукофотланганларни табриклардилар.

— Ўртоқлар, — Олейников залдагилар тинчигач, сўзида давом этиб деди, —биз бу ютуқларни мустаҳкамлашимиз, серқуёш республикамизнинг 30 йиллик юбилейини муносиб меҳнат совғалари блан кутиб олиш учун янада ғайрат блан ишлашимиз керак.

Залдагилар бош инженернинг чақириғини қўллаб-қувватладилар.

Мажлис тамом бўлиб Сабиҳа опа ва Эргаш Ҳайдаровлар ташқарига чиққанларида ҳавода юлдузлар чарақлаб, ой тиккага келган, у елкан каби сузиб, дарахт япроқлари орасидан мўралар ва ерга кумиш нурларини сочар эди. Эргаш ака ва Сабиҳа опанинг йўллари бир бўлгани учун бирга кетишди. Йўлда Сабиҳа опага цех бошлиғи кўп нарсаларни хотирага солучи савол ташлаб қолди.

— Сабиҳа, — деди у, — бундан 10 йил илгари заводга янги келган вақтингизни эслярсиз. Унда сиз олма, ноклари ювиб, тозалайдиган оддий ишчи эдингиз. Мана энди...

— Ҳа, — Сабиҳа опа ҳамроҳининг сўзини бўлди, — мени коллектив тарбиялади. Илгари станоклар яқинига бориш ҳам чўчирдим. Улар менга нотаниш, бегонадек туйиларди. Энди-чи, энди машиналар блан шундай дўстлашиб кетдимки, орамиздан қил ҳам ўтмайди. Улар менинг, мен уларнинг тилига тушунаман.

— Тўғри, — Эргаш Ҳайдаров Абдуллаеванинг фикрини қувватлади, — бу муваффақиятларга ўз ғайратингиз, ҳалол меҳнатларингиз туфайли эришдингиз. Бизнинг совет замонамизда меҳнат чиндан ҳам кишига бахт келтиради.

У. ЖОНГИТОВ.
И. СУЛАИМОНОВ.

Пахта теримида меҳнатни тўғри уюштириб, иш унумини тобора оширайлик!

☆ ☆

Пахта териш ва топшириш графигини ошириб бажариш—энг муҳим вазифа

ОҚҚУРҒОН. (**«Тошкент ҳақиқати» мухбиридан.**) Райондаги колхоз, совхоз пахта далаларида бу йил ҳарқачонгидан ҳам мўл ҳосил етиштирилди. Колхозлар гектаридан 29 центнердан, совхозлар эса 30 центнердан пахта топшириш учун мусобақалашмоқдалар.

Ҳозир далаларда пахта яхши очилган, графикни тўла ва ошириб бажариш мумкин. Илғорлар пахта йиғим-теримга уюшқоқлик блан киришиб, сур'атни тобора оширмоқдалар. Кенг пахта далаларида теримчи қизлар ялласи янграмоқда, чаққон қўллар тез харакат қилиб этакларни тўлдирмоқда.

Тажрибали пахтакор Мутал Қаюмов бошлиқ 3-бригада гектаридан 46 центнердан ҳосил топшириш мажбуриятини олган. Бу бригадада пахта териш бошланган кунларданоқ иш тез сур'ат блан бормоқда. Бригаданинг ўртоқ Т. Бойназаров бошлиқ звеноси йиллик пахта топшириш планини 51 процент миқдорида бажарди. Чевар теримчилар Ўзбекистон ССР 30 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, мавсумда 10—12 тоннадан пахта териш учун курашмоқдалар. Қ. Аҳмедова, М. Қодирова, Ж. Сўлиева каби теримчилар кунига 160 — 180 килограммдан пахта термоқдалар.

Тельман номли колхозда ҳам пахта терими дуруст бораётир. Бу колхозда машҳур пахтакор, мўл ҳосил устаси Маманота Қўшаев бошлиқ звенонинг ғўзалари айниқса серҳосил бўлиб етишган.

Лекин, илғорлар даласидагидек уюшқоқликни ҳамма колхозларда ҳам кўрмадик. Биринчи МТС зонасидаги Молотов номли, Навоий номли, Сталин номли колхоз далаларида, иккинчи МТС зонасидаги Жданов номли, Калинин номли колхозларинг далаларида пахта биртекисда очилган бўлишига қарамай, ҳечқаерда пахта терилмаётир.

Молотов номли колхознинг 3-нчи бригадаси далаларини айланиб чиқдик. Кўп жойда эгатларда пахта тўкилиб етипти. Бу ерда 31 киши ўрнига атиги 11 киши пахта тераётир. Хирмон жой йўқ. Теримчилар этакларидаги пахтани ўқариқларга бўшатмоқдалар. Терим устидан назорат ўрнатилмаганлиги учун пахта чала терилмоқда, ерга тўкилиб, нобуд бўлмоқда.

Колхозда ҳамма куч теримга сафарбар қилинмаган. 9—10 сентябрь кунлари 225 ўрнига фақат 104 киши теримда ишлаган бўлса, шундан 52 киши нормани бажармаган. Ҳолбуки, илғор теримчилар кунига 110—135 килограммдан пахта термоқдалар.

Колхозда йиғим-теримга тайёргарлик ишлари тугалланмаган. Ҳосили машина блан териладиган пайкаллар шу вақтгача тахт қилиб қўйилмаган. Ғўза барларини тўкиш учун ОДН машинаси блан дори сепиш жуда суст бормоқда. 192 гектар майдондан энди 60 гектари самолёт блан дориланган. Ғўзалар ёввойи ўтдан тозаланмаган ва охирги суғоришдан кейин ўқ ариқлар текисланмаган. МТС агрономи Л. Стаченко ҳам колхоз раҳбарлари ҳам етарли аҳамият бермаётирлар.

Колхоз партия ташкилоти (секретари ўртоқ Қ. Хатамқулов) ҳам пахта йиғим-теримга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида оммавий-сиёсий ишларни яхши уюштирмаган. Ўртоқ Хатамқулов партиявий ташкилий ишларни юзаки олиб бормоқда. Йиғилишларда чиройли сўзлашни ёки дабдабали қарор чиқаришни билади-ю, аммо унга ўзи амал қилмайди. Колхозда кўпмингчи теримчиларнинг мусобақаси расмият учун қоғозларга ёзилиб чиқилган.

Дала шийпонларида оммавий ишлар, мутлақо олиб борилмаётир. Пахтани машина блан теришнинг аҳамияти тўғрисида бирор марта ҳам лекция ёки суҳбат ўтказилмаган.

2-нчи МТС зонасидаги Жданов номли колхоздаги аҳвол ҳам бундан қолишмайди. Колхоз раиси Тоирова ва партия ташкилотининг секретари Юсупалиев ўртоқлар пахта териш ва уни тезроқ давлатга етказиб беришдек муҳим ишга жуда бепарво қарамоқдалар.

— Ишчи кучининг кўпи,— дейди колхоз раиси ўртоқ Б. Тоирова,— бошқа ишларга банд бўлиб қолмоқда, ҳали теримни кучайтириб юборaолганимиз йўқ.

Колхозда биринчи ўнкунликда пахта териш графиги бажарилмади. Эндигина 1,6 процент миқдорида пахта топширилди. Теримда 140 колхозчи ишламоқда.

Бу колхозда 262 гектар майдондаги ҳосил машина блан теришга ажратилган. Аммо ҳали бу соҳада иш бошланмаган. МТС агрономи ўртоқ Мусақулов, колхоз раиси, ҳосилот советининг раиси бу муҳим иш блан шуғулланмайдилар, ҳосили машина блан теришга ажратилган ерларни ўт босиб ётипти. Партия ташкилотининг секретари ўртоқ М. Юсупалиев терим ишларига юзаки раҳбарлик қилмоқда. Дала шийпонлари жиҳозланмаган. Кўпминг килограммчи теримчилар сони аниқ эмас, агитаторлар ишламайди. Партия ташкилоти терим даври учун оммавий-сиёсий ишлар планига эга эмас.

Оққўрғон районидаги бошқа колхозларда ҳам пахта йиғим-теримида уюшқоқсизлик ҳукм сурмоқда. Сентябрь ойининг ўтган ўн кунлигида иккала МТС зонасидаги колхозларда ҳам пахта териш ва давлатга топшириш юзасидан белгиланган график бажарилмади.

Теримда меҳнат тўғри уюштирилмаган, ҳамма куч пахта теримига тўла сафарбар этилмаган. Район ижрокомитининг раиси Х. Мирзаев ва райком секретари Усмонов ўртоқлар пахта теримини уюштиришга етарли раҳбарлик қилмаётирлар. Пахтани машина блан теришга тайёргарлик ишлари жуда суст бормоқда. Ҳалигача 22 та ОДН ишга тайёр эмас. 10 кун ичида фақат 55 гектар майдондаги ғўзага дори сепилган холос. Ленин номли, Жданов номли, Калинин номли колхозларда ғўзалар дориланмаётир. Самолет блан дори сепиш иши ҳам яхши уюштирилмаган. МТС раҳбарлари Валиев ва Мухторов ўртоқлар бу ишга етарли даражада раҳбарлик қилмаётирлар. Шу вақтгача пахта териш машиналари ишга тўла тайёр эмас. Ҳар икки МТС паркида 30 дан ортиқ машина ремонт қилинмай ётипти.

Оққўрғон районида пахта йиғим-теримида уюшқоқсизлик ҳукм сурмоқда. Ҳамма куч ва имкониятлар пахта теримига тўла сафарбар этилмаган.

Пахта йиғим-теримининг муваффақияти — пахта териш машиналарининг унумли ишлашига боғлиқдир. Машинада пахта теришга пухта тайёргарлик блан кириши, бу соҳада содир бўлаётган камчиликларни йўқотиш ва барча имкониятлардан самарали фойдаланиш зарур.

Т. ОРИПОВ.

Қардош республикалар пахтакорлари ўртасида тузилган социалистик мусобақа шартномасининг бажарилишини текшириш учун Ўзбекистонга Озарбайжон республикаси қишлоқ хўжалик ходимларининг вакиллари келди. **Суратда:** Ўзаро текшириш бригадасининг а'золари Оржоникидзе районидаги Пушкин номли колхозда. (Чапдан ўнгга) колхоз бригадасининг бошлиғи **М. Зияев**, делегация раҳбари Озарбайжон ССР қишлоқ хўжалик министрининг биринчи ўринбосари **М. М. Паладов**, колхозчи **Р. Тўхтаматова**, Озарбайжон ССР Зангелан районидаги Молотов номли колхознинг раиси **А. Содиқов**, Пушкин номли колхозининг раиси **Д. Омонов** ўртоқлар.

(ЎзТАГ фотохроникаси). **Б. Мазур** фотоси.

Меҳнат ҳамкорлиги

Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг а'золари 888 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан бу йил давлатга 38 центнердан ҳосил топшириш мажбуриятини олганлар. Улар ана шу юксак мажбуриятни бажариш учун курашиб, йил бўйи фидокорона меҳнат қилдилар. Ғўзалар 6 марта культивация, 5 марта кетмон чопиғидан чиқарилди ва 4 марта суғорилди. Колхознинг 2, 5 ва 7-нчи бригадаларида айниқса мўл ҳосил етиштирилди. Бу бригадалар гектаридан 40 центнердан пахта топшириш мажбуриятини олганлар. Колхозчилар фидокорона меҳнат натижасида етиштирилган мўл ҳосилни қисқа муддатда йиғиб-териб олиш учун пахта теримига пухта тайёргарлик блан киришдилар. Терим бошлангунча колхоздаги 14 далачилик бригадасида бригада ва звено хирмонлари тахт қилиб қўйилди. 500 дона этак, 300 дона қанор ҳозирланди. Тош-тарози, автомашина ва бричкаларнинг деярли ҳаммаси ремонтдан чиқарилди. Кўприклар, йўллар тузатилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг «Ўзбекистон ССР колхозларида 1954 йилги пахта ҳосилини териш ва тайёрлаш тўғрисида»ги қарори колхозчилар ўртасида ишланиб чиқилди. Бу қарорга асосан кўпгина илғор теримчилар ўз зиммаларига оширилган мажбуриятлар олдилар. Жумладан, Ибодат Рустамова, Туйма Ражабалиева, Улуғ Раҳимова ва Солия Мирзаеваларнинг ҳарбири мавсумда 15 минг килограммдан пахта теришга қарор қилдилар. Ҳозир ана шу чевар теримчиларнинг ҳарқайсиси кунда 100 килограммдан ошириб пахта термоқда.

Колхоз а'золари пахта териш сур'атини тобора тезлатиш блан пахтани машина блан теришга ҳам зўр уюшқоқлик блан тайёргарлик кўрмоқдалар. Бу йил 426 гектардаги пахта машина блан териб олинади. Пахтаси машина блан териладиган ерларнинг чегаралари ажратилиб, кўрсаткич тахталар қоқиб чиқилди.

Ғўза баргини сун'ий равишда тушириш учун давлат томонидан бериладиган пландаги дориворларнинг ҳаммаси ўз вақтида ташиб олинди ва дори сепишга агротехника қоидаларига риоя қилинган ҳолда киришилди.

Ўнлаб гектар ердаги ғўзаларнинг баргига дори сепиб чиқилди. Бу йилги мавсумда колхоз далаларида бирқанча тажрибали механик-ҳайдовчилар пахта терадилар. Илғор механизаторлардан Бозорбой Норматов, Эгам Ўтановлар мавсумда 100—110 тоннадан пахта териб бериш мажбуриятини олдилар. Бунинг учун улар ўз машиналарини сифатли ремонтдан чиқариб, пахта теримига тахт қилиб қўйдилар.

«Қизил Октябрь» колхозининг а'золари ғўза парваришида бўлгани каби пахта йиғим-терими даврида ҳам азамат механизаторлар блан ҳамкорликни янада кучайтириб, пахта тайёрлаш давлат планини Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 37 йиллиги кунигача бажаришга қарор қилдилар.

И. ТОШМАТОВ,
М. ЗОКИРОВ.

Кўпмингчилар ҳаракатини кучайтирайлик

Ховос районининг барча колхозларида пахта йиғим-терими бошланиб кетди. Район пахтакорлари Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг «Ўзбекистон ССР колхозларида ва совхозларида 1954 йилги пахта ҳосилини териш ва тайёрлаш тўғрисида»ги қарорида белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Райондаги Карл Маркс номли колхознинг а'золари терим мавсумининг бошланишиданоқ кунлик графикни ошириб бажариб, давлатга нуқул отбор ва биринчи сорт пахта топширмоқдалар.

Колхознинг кўпминг килограммчилар ҳаракатига қўшилган чевар теримчилардан Муборак Ҳусанова ҳар куни 130—145 килограммдан пахта териб, 8 сентябрьгача 1730 килограмм пахта терди. Меҳри Мирзаназарова ва Мелигул Вердановалар ҳам шу вақтгача 1,5 тонна пахта териб топширдилар. Мавсумда 5—10—15 тоннадан пахта териш мажбуриятини олган 50 дан ортиқ теримчиларнинг деярлик ҳаммаси кунлик топшириқни ошириб бажараётир. Шунингдек, районнинг Молотов номли колхозидаги илғор теримчилардан Б. Омонова, Н. Файзиева, У. Қорабоева ва Э. Қорабековлар ҳам ҳар куни 120—150 килограммдан пахта териб нормаларини ошириб бажармоқдалар.

А. ШИРИНБОЕВ.

Чевар теримчилар

Чиноз районидаги Сталин номли колхознинг 16-нчи бригада а'золари пахта теримини кундан-кунга кучайтириб, кунлик нормани ошиғи блан бажармоқдалар.

Бу бригада ўтган йили ҳар гектардан 36 центнердан пахта топшириб, яхши натижага эришган эди. Илғор теримчиларнинг ҳарбири ҳозиргача 2 тоннадан отбор ва биринчи сорт пахта тердилар. Ш. Ҳолиқова, И. Қўзиева, О. Пармонова ва Н. Назарова каби чевар теримчилар ўтган йили 14—15 тоннадан пахта терган эдилар. Улар Ўзбекистон ССР 30 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, бу йил мавсумда15—16 тоннадан пахта териш мажбуриятини олдилар.

Н. САИДОВ.

Чорва қишлови учун пухта тайёргарлик кўрамиз

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь, февраль-март ва июнь Пленумлари қарорларида қишлоқ хўжалигини, шу жумладан колхоз ва совхозлар жамоат чорвачилигини кескин ривожлантириш вазифаларини бажаришнинг амалий тадбирлари белгиланиб берилган.

Бизнинг Сталин номли колхозимиз республикамизнинг пойтахти Тошкент шаҳарига ёнма-ён туради. Шунинг учун бу колхозга шаҳар аҳолиси учун мўлкўл сабзавот, картошка, узум, мева, шунингдек чорвачилик маҳсулотлари, биринчи навбатда сут, туҳум ва ҳоказолар етиштириб бериш вазифаси юкланган.

Колхозимиз а'золари ишлабчиқаришни ана шу вазифалар асосида қуриб, бирнеча йиллардан бери сабзавот, картошка етиштириб келмоқда. Токзор ва боғларни қайта қурдик, янгиларини барпо қилдик. Биз кейинги йилларда жамоат чорвачилигини ривожлантиришга ҳам жиддий э'тибор қилабошладик. Бунда биз мол туёғини кўпайтириш блан бирга, биринчи навбатда қорамоллар зотини яхшилаш ва уларнинг маҳсулдорлигини оширишни кўзда тутдик. Бунинг учун биз сигирларни оғилда асрашга кўчирдик, чунки сигирлар оғилда асралганидагина тўғри парвариш қилиб боқилади. Шундагина сигирларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва ёш молларни яхши ўстириб воягa етказиш мумкин бўлади. Бу тадбир тез орада ўзининг самарасини кўрсатди. Жумладан қорамол фермасида сигирлар сараланди. Натижада сут маҳсулоти ошди. 1950—1951 йилларда ҳарбир сигирдан 500—600 литр сут соғилган бўлса, 1953 йилда 2500 литрдан сут соғилди. Айрим сигирларимизнинг сути эса анча кўпайди. Бултур «Ласка» деган сигир 5025. «Юлдуз» деган сигир 4753, «Майка» деган сигир 4710, «Гадапка» деган сигир 5227 литр сут берди. Биз ўтган йил 314 тонна сут олдик. Чорвачиликнинг асосий турларини ривожлантириш бу тармоқдан келадиган даромадни ҳам оширди. Колхоз ўтган йили чорвачиликдан 2 миллион 453 минг сўм даромад қилди.

ЧОРВАЧИЛИКДА БУРИЛИШ

Колхозимиз а'золари КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорини муҳокама қилганларида жамоат чорвачилигини ривожлантиришга ёрдам берадиган барча имкониятларни аниқлаб, мол туёғини кўпайтириш ва маҳсулдорлигини ошириш юзасидан янги оширилган план қабул қилдилар.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти хўжаликдаги мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланиб ва колхоз чорвадорларининг ташаббусига суяниб бу планни бажаришнинг барча тадбирларини амалга оширди. Натижада шу йил 1 сентябрьгача колхозда чорвачиликни ривожлантириш плани: қорамоллар бўйича 102, қўйлар бўйича 95,5, эчкилар бўйича 147, чўчқалар бўйича 100, отлар бўйича 135, паррандалар бўйича 183 процент бажарилди. Ҳозир колхозимизнинг чорваси: майда ва йирик қорамоллар 500, қўй-эчкилар 5398, отлар 200, чўчқалар 115 тага етди. Колхозлар ва бошқа хўжаликлар блан тузилган контрактацияга мувофиқ 1 октябрьгача яна 230 бош қўй келтириб, чорвачиликнинг бу тури бўйича ҳам плани бажарамиз.

Шундай қилиб, бу йил колхозда чорвачиликни ривожлантиришда катта бурилиш йили бўлди.

Чорвачиликнинг кескин ривожланиши чорвачилик маҳсулотини ҳам кўпайтирди. Биз 10 ойда сигирлардан 346 тонна сут соғдик, қўйлардан ўтган йилдагига қараганда икки марта кўп жун қирқдик, ҳарбир товуқдан ўрта ҳисобда 85 донадан, ҳаммаси бўлиб 32 мингдан кўпроқ туҳум олдик. Қўй ва қорамолларимиз ҳам яхши эт олган.

Чорвачилик маҳсулотининг кўпайиши давлат мажбуриятининг ўз вақтида бажарилишини ҳам та'мин этди. Колхоз 1 сентябрьгача давлат мажбуриятини гўшт бўйича 70, сут бўйича 105, жун бўйича 100, туҳум бўйича 107,5 процент бажарди. Колхоз давлат мажбуриятига топшириш учун ёз давомида 54 бош қорамолни, бирнечта чўчқани боқувга қўйди, яхши семирган моллар пешмапеш давлат мажбуриятига топширилиб турилади. 15 сентябрьгача давлат мажбуриятини сўзсиз бажарамиз.

ЧОРВА ҚИШЛОВИГА ТАЙЁРГАРЛИК

Чорва молларини ем-ҳашак блан етарли миқдорда та'минлаш учун 2520 тонна майин ва дағал хашак, 1210 тонна силос ва хашаки илдиз мевалар жамғаришни планлаштирган эдик. Колхозда 1 сентябрьгача 2140 тонна беда, пичан ва сомон жамғарилди. 180 гектар ердаги беданинг 4-нчи ўрими, йўл, ариқ, зовур бўйларидаги ҳархил ўтларни ўриб олиш ва сомон-тўпонлар ҳисобига шу ойнинг охиригача яна камида 500 тонна ҳашак жамғарилади. Биз чорва молларини, айниқса сигирларни йил бўйи ҳўл ва сersув хашаклар блан боқишга катта аҳамият берамиз. Шунинг учун ҳозиргача 160 тонна силос босилди. Силос учун махсус маккажўхори ва кунгабоқар экилган. Булар силос босишга етилиб қолди. Колхоз булардан сентябрь ойининг ўзидаёқ 500 тонна силос босади. Октябрь, ноябрь ойларида картошка палак, карам барги ва бошқа экинларнинг кўкат чиқитлари кўп миқдорда бўлади. Биз уларни ҳам ҳечбир нобуд қилмасдан силосга босамиз. Шундай қилиб колхоз молларга 1955 йил баҳоригача едириш учун бемалол етадиган миқдорда силосга эга бўлади.

Барча силос иншоатлари ремонт қилиниб, тозаланиб қўйилган. Хашакқирқар машиналар тўхтовсиз ишлайдиган ҳолга келтирилган.

Колхозда 39 гектар ерга хашаки лавлаги экилган. Экин яхши парвариш қилингани учун ҳар гектаридан 35—40 тоннадан ҳосил олишни мўлжалламоқдамиз. Демак чорва молларимиз учун 1500 тонна чамасида асосий илдиз мевали озиқ ҳам жамғарамиз. Бундан ташқари картошка, сабзи ва бошқа экинлар чиқитини ҳам тўплаб, қиш учун тайёрлаб қўямиз.

Биринчи яйлов участкамизда 100 бош қорамол ва 1150 бош қўй-эчки қишлайди. Ў ердаги молхоналар ремонтдан чиқарилди, ҳозир 4 та маҳаллий қўра тез сур'ат блан қурилмоқда. Бир автомашина ва бир арава блан мол қишлови жойига хашак ташилмоқда. Бу иш 20 сентябрьгача тугалланади.

Келес массивидаги Тентаксой участкасида 3100 бош қўй-эчки қишлаб чиқади. Ҳозир бу участкада 5 та усти ёпиқ қўра қурилмоқда. Булар 1 октябрьгача ишга туширилади. 20 октябрьгача қўй қишлови жойига етарлик миқдорда хашак ташиб оламиз. Ҳозир бир автомашина ва бричкалар блан тўхтовсиз хашак ташилмоқда. Қудуқларни тозалаш, ремонт қилиш ишлари 15 октябрьдан кечикмай тугалланади.

300 бош қорамол, 115 бош чўчқа ва қолган бошқа майда моллар колхознинг ўзида қишлайди. Бу ердаги отхона, молхона ва бошқа чорва бинолари ремонт қилинаётир. Янги типда иккита сигирхона қурилмоқда. Буларнинг ҳарбирига 100 тадан сигир жойланади. Қурилиш ва ремонт ишларини тезлаштириш учун бинокорлик бригадасига яна 8 киши қўшилди.

Кўчма охурларнинг ҳаммасини ремонтдан чиқардик ва яна 50 та кўчма охур ясаётирмиз. Битган охурлар пешмапеш мол қишлови жойларига етказилмоқда.

МОЛЛАРНИ ЯЙРАТИБ БОҚИШ ВА СЕМИРТИШ

Чорва маҳсулдорлигини оширишда молларни айниқса қишда яйратиш ва мўл-кўл хашак бериб боқиш катта аҳамиятга эга. Яйловдаги моллар ҳаво ёғмаган ва қаттиқ совуқ бўлмаган кунларда доим яйловга ҳайдалиб боқилади. Улар кунига 3—4 марта суғориб турилади.

Оғилда асралаётган сигирлар ва ёш моллар ҳам қўрага чиқарилиб яйратилади.

Унчалик семиз бўлмаган молларга 1 сентябрьдан бошлаб қўшимча ем берaётирмиз. Бу моллар қишгача семириб, тетик бўлиб олади.

Биз 1 сентябрьдан 350 бош қўйни ҳам семиртиришга қўйдик. Буларга тўла норма блан ем-хашак едирмоқдамиз. Семирган моллар график бўйича давлат мажбуриятига топширилади ва давлатга сотилади.

ЧОРВАДОРЛАРГА МАДАНИЙ-МАИШИЙ ХИЗМАТ

Яйловларда ишлаётган чўпонларнинг маданий ва маиший аҳволини яхшилаш учун тинмай ғамхўрлик қилинмоқда. Колхоз бу йил чўпонлар учун биринчи яйлов участкасига битта, Тентаксойга иккита фин типидаги уй-жойлар қурмоқда. Бундан ташқари ўтовлар ҳам ремонт қилинмоқда. Бунинг учун 30 та намат, 100 метр бризент юборилди. 35 киши учун қишлик кийим-бош тайёрланди. Яқин кунларда яйловдаги чўпон оилалари учун уй-рўзғор асбоблари ва жиҳозлари юборилади. Ҳозир чўпонларга ҳар ойда икки марта пул ва натура авансларн бериб турилипти.

Яйловдаги чўпонларга 6 та радиоприёмник юборилди. Улар китоб, газета ва бошқалар блан та'мин этилган.

Қиш фаслида иш анча кўпаяди. Шунинг учун октябрьдан бошлаб яйловларга яна 1—2 тадан киши юборилади.

МЕХАНИЗАЦИЯ

Колхоз чорвачилигидаги барча асосий оғир ишлар машиналар ёрдами блан бажарилади. Жумладан, сигирлар электр кучи блан соғилади, автомат сувдонда суғорилади. Қўйлар жуни машина блан қирқилмоқда. Пичан, беда, силосга босиладиган хашаклар, илдизмевалар машиналарда қирқилади, тўғралади. Натижада меҳнат унуми ошмоқда, сут кўп соғилмоқда. Биз чорва қишловига тайёргарлик кўришда машина асбобларни, электр линиялари ва аппаратларни ремонт қилиб ишга тахт қилиб қўйдик.

* * *

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти чўпонлар блан биргаликда чорва қишловига тайёргарликни 1 октябрьгача ҳартарафлама текшириб, агар чала — битмай қолган ишлар ма'лум бўлса, уларни дарҳол тугаллаш учун барча тадбирларни кўради.

Т. МИРЗАЕВ,
Калинин районидаги Сталин номли колхознинг раиси,
С. ЖАЛИЛОВ,
колхоз бошлаигич партия ташкилотининг секретари,
Ж. ТЎЛАГАНОВ,
қорамол фермасининг мудири,
С. УБАЙДУЛЛАЕВ,
қўйчилик фермасининг мудири.

Ирригация-мелиорация ишлари муваффақиятли ўтказилмоқда

Бу йил Оржоникидзе районидаги барча колхозларда ирригация-мелиорация ишлари ўтган йилга қараганда анча дуруст ўтмоқда.

Ирригация-мелиорация ишларини муваффақиятли олиб боришда «Ленинград», Маленков номли, Молотов номли, Киров номли ва Охунбобоев номли колхозларнинг а'золари ўзларининг фидокорона ишлари блан бошқа колхозларга намуна бўлмоқдалар.

Бу колхоз а'золари ўз территорияларидаги ариқ-зовурларни тозалаш, чуқурлаштириш ҳамда сув иншоотларини қуришда актив қатнашиб, кунлик топширқларни ошириб бажараётирлар.

Ана шу колхоз а'золаридан ўрнак олган бошқа колхозларнинг а'золари ҳам ўз территорияларидаги ариқ-зовурларни қазиш ва тозалаш ишларида фаол қатнашиб, ирригация-мелиорация ишларини уюшқоқлик блан олиб бормоқдалар. Шунинг учун район территориясидаги 4369 кубометр ҳажмдаги тупроқ қазиш ишлари ва сув омборларини тозалаш тамомланди.

Лекин бу ирригация-мелиорация ишлари тўхтатиб қўйилган, деган сўз эмас. Район колхозчилари 20 сентябрьгача ирригация-мелиорация ишларини давом эттиришга аҳд қилганлар. Ҳозир колхозлардан 800 киши« Искандар» ва «Бўзсув» сув иншоотларини қуришда иштирок этмоқда.

Бундан ташқари, 1400 киши Ховос районига бориб юзминг кубометр ҳажмда тупроқ ишларини бажардилар. Улар бир ойлик норма бир ҳафтага қолдирмай адо этдилар. Охунбобоев номли, Молотов номли ва «Ленинград» колхозларининг а'золари 5800 кубометр ҳажмда тупроқ қазидилар ва ўз зиммаларига олган мажбуриятларни шараф блан бажардилар.

Айниқса, Киров номли колхоз а'золарининг иши махташга сазовордир. Бу колхоз а'золари 3 минг кубометр ҳажмда тупроқ қазиш мажбуриятини олиб, уни беш кунда тамомладилар. Тупроқ қазишда иштирок этган колхоз а'золари кунлик топширқларини 1,5 — 2 баробар ошириб адо этдилар. Колхозчилардан Мели Парпиев кунига 10 — 12 кубометр тупроқ чиқариб, кунлик топширқни 2,5 — 3 ҳисса ортиғи блан бажарди. Шунга ўхшаш тупроқ қазиш ва чиқаришда кунлик иш нормаларини ошириб бажараётган колхозчилар кўпчиликни ташкил қилади.

— Ирригация-мелиорация ишларини муваффақиятли ўтказиш,— дейди ўртоқ Мели Парпиев,— катта аҳамиятга эга. Чунки ирригация-мелиорация ишлари қанча яхши ўтказилса, келажакда қишлоқ хўжалик экинларини экишга, янги ерларни ўзлаштиришга ва улардан мўл ҳосил етиштиришга эришган бўламиз. Шунинг учун ҳам мен кунига 10 — 12 кубометр тупроқ чиқариб, кунлик иш нормани 3 ҳиссага етказиб бажардим. Мендан ўрнак олган ўз тенгдошларим ҳам ғайрат блан ишлаб, кунлик иш нормаларини ошириб адо этдилар. Шу туфайли биз колхозчилар 5 кун ичида 3 минг кубометр тупроқ қазиб чиқардик ва ўз зиммамизга олган мажбуриятни ошириб бажардик. Бу бизнинг Ховос район колхозчиларига берган ёрдамимиздир.

Ҳақиқатан ҳам Киров номли колхоз а'золари ирригация-мелиорация ишларини ўтказишда Ховос район колхозчиларига катта ёрдам бердилар.

Ховос районидаги ирригация-мелиорация ишларида иштирок этган Оржоникидзе районининг меҳнатсевар колхозчилари яна ўз колхозларига қайтиб келиб, ҳозир пахта йиғим-теримини ҳам муваффақиятли ўтказиш учун астойдил курашмоқдалар.

З. ОТАХОНОВ.

Паркент МТСи кузги дон экишни кечиктираётир

Паркент райони бу йил 9 минг гектар ерга кузги дон экиши лозим эди. Броқ райондаги МТС раҳбарларининг ўз ишларига мас'улиятсизлик блан қарашлари натижасида галла ҳосили ҳалигача йиғиштириб олинган йўқ. Галлани 10 августгача йиғиштириб олиш ҳақида тузилган график ҳам, мажбуриятлар ҳам ўз вақтида бажарилмади.

20 та комбайндан 4 таси сифатсиз ремонт қилинганлиги сабабли галла ўрими бошланганидан бери кўпинча бузуқ бўлади. «Коммуна» колхозида ишлаган бир комбайн (комбайнчи ўртоқ М. Муротов) бир ярим ой мобайнида атиги 80 гектар ердаги галлани ўрган. Охунбобоев номли колхоздаги 19-нчи комбайн (комбайнчи ўртоқ Абашев) икки ойга яқин вақт ичида 3 гектар ердаги галлани ўрган, холос. Бошқа кўпгина комбайнлар ҳам нормал ишламаётир. Шунинг учун иш унуми жуда паст, кунлик норма камдан-кам бажарилади. Калинин номли колхозда ишлаб турган комбайн блан ҳар куни 8 гектар ўрнига аранг 4 гектар ердаги галла ўрилмоқда.

Шунинг учун бир томондан галла ўриш кечикиб, ҳосил қисман нобуд бўлаётган бўлса, иккинчи томондан кузги дон экишга тайёрлик чўзилмоқда. Колхозларда уруғлик ҳам етарлик ажратилмаган. Ленин номли йирик колхозда уруғликнинг 50 проценти ҳам тозаланмаган.

Районда ер ҳайдаш ишлари ҳам жуда суст бораётир. Оҳунбобоев номли колхозда МТСнинг ўртоқ Адашев бошчилик қилаётган трактор бригадаси 5 сентябрьгача 800 ўрнига 300 гектар ер ҳайдади, холос. Район бўйича эса аҳвол бундан ҳам ёмон. Ҳозирги кунгача район колхозларида ҳаммаси бўлиб фақат 996 гектар ер ҳайдалди.

Ер ҳайдашнинг сифати ниҳоятда паст. Сталин номли колхозда тракторчи Назиров «С—Д» маркали трактор блан ерни юза ҳайдаб кетмоқда.

Районда галла йиғими ва кузги дон экишга тайёргарликнинг бу даражада суст боришига район раҳбарлари мутлақо э'тибор қилмаётирлар. Натижада МТС раҳбарлари (директори Космадиади, партбюро секретари Ким ўртоқлар) ҳаддан ташқари мас'улиятсизлик қилмоқдалар.

Район партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари галлани тезроқ ўриб-йиғиб олиш учун барча тадбирларни кўришлари, МТС лардаги кучли техникадан самарали фойдаланишлари лозим. Шу блан бирга кузги галла экиш ишларига ҳам оператив раҳбарлик қилиш ва ҳайдов тракторларининг кеча-кундуз бир ме'ёрда унумли ишлашига эришиш керак.

Ю. БАҲОДИРОВ.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

Санитария талабларига э'тибор берилсин

Пойтахтимизнинг Сталин районидаги колхоз бозори ҳозирги кундаги аҳволи санитария талабларига жавоб бермайди. Бозор ва унинг атрофи кўпинча супирилмайди, супирилса ҳам ахлатлар кўп жойларда тўда-тўда қилиниб, ойлаб олинмай ётади. Қовун, тарвуз пўчоқлари ва уруғларини ташлаш учун махсус жой ажратилмаганлиги учун пўчоқлар ҳар жойда сочилиб ётади.

Бозордаги колхоз дўконларининг тозалиги ҳам талабга жавоб бермайди. Дўконнинг мол сотучилари оқ халат кийиб, ўзларининг шахсий уст кийимлари блан савдо қиладилар. Тарозилар ҳам занглаб, кирланиб кетган. Масалан Калинин район, Қозоғистон қишлоқ советидаги «Октябрь ғалабаси» колхозига қарашли сабзавот дўкони ва ундаги тарозиларнинг аҳволи медицина талабларига асло жавоб бермайди.

Бозор территориясига жойлашган Сталин район райпишчеторгига қарашли 5-нчи чойхона ҳам тозалик томонидан намуна бўлаолмайди. Чойхона тез-тез супирилиб турилмайди. Шу сабабли ҳам полда тарвуз, қовун ва тухум пўчоқлари, нон бурдалари оёқ ости бўлиб ётипти.

Шаҳардаги барча савдо ташкилотларини ва совет-колхоз бозорларини доимо санитария талаблари даражасида бўлишида санитария ва эпидемология инспекциясининг роли жуда каттадир. Аммо шаҳар санитария ва эпидемология инспекцияси ва унинг Сталин районидаги вакили колхоз бозорида санитария ишларининг яхши йўлга қўйилишига аҳамият бермай қўйганлар. Колхоз бозори ма'мурияти, айниқса директори Ғ. Зокиров, партия ташкилотининг секретари С. Фахритдинов ўртоқлар бозорнинг санитария ҳолати блан шуғулланмаётирлар.

Х. ЖАЛИЛОВ.

Босилмаган хабарлар изидан

Редакцияга келган хатларнинг бирида «Ўзбекистон бешйиллиги» совхозида маданий-оқартув ва сиёсий-оммавий ишларга аҳамият берилмагани, совхоздаги оммавий ташкилотларнинг раҳбарлари ўз вазифаларига мас'улиятсизлик блан қараб келаётганлиги ва бошқа камчиликлар кўрсатилган эди. Редакция фактларни аниқлаш ва чора кўриш учун хатни Қуйичирчиқ район ижроия комитетига юборган эди.

Меҳнаткашлар депутатлари Қуйичирчиқ район Совети ижроия комитетининг раиси ўртоқ Мергановнинг редакциямизга хабар қилишича, район партия комитети ва район ижроия комитетлари текшириш ўтказганда, хатда кўрсатилган фактлар тўла тасдиқланган. Текшириш натижалари район ижроия комитетининг мажлисида муҳокама қилиниб, совхозда маданий оқартув ва оммавий ишларни жонлатириш учун конкрет тадбирлар белгиланган. Бу тадбирларнинг бажарилиши устидан контрольлик қилиб бориш вазифаси район маданият бўлимига топширилган.

Британия тред-юнионларининг конгресси ўз ишини тамомлади

БРАЙТОН, 11 сентябрь. (ТАСС махсус мухбири). Британия тред-юнионларининг йиллик 86-нчи конгресси Брайтонда ўз ишини тамомлади. Барча мамлакатлардаги халқларнинг тинчлик ва демократик ҳуқуқлар учун кучайиб бораётган ҳаракати бу галги конгрессга ўз та'сирини ўтказди. Шунинг учун ҳам бу конгресс ташқи ва ички сиёсатнинг ҳамма муҳим масалалари устида кескин кураш олиб борилганлиги блан илгарги кўп конгресслардан фарқ қилди.

Бу конгресснинг яна бир хусусияти шундан иборат бўлдики, Англия касаба союз ҳаракати илғор қисмининг вакиллари Британия тред-юнионлар конгрессининг раҳбар юқори табақаси олиб бораётган реакцион сиёсатга қарши жанговарлик блан курашдилар.

Ғарбий Германиянинг қуролланиши тўғрисидаги масала муносабати блан кураш айниқса қизиб кетди. Британия тред-юнионлари конгрессининг бош кенгаши Ғарбий Германиянинг қуролланишини ма'қуллайдиган резолюцияни ўтказмоқ учун ҳийла-найранг ишлатиш, йирик касаба союзларнинг овоз беришлари устидан контрольлик қилиш, тўғридан-тўғри таз'йиқ ўтказиш ва демократик ҳуқуқларни бузиш сингари чораларнинг ҳаммасидан фойдаланди. Бу резолюция расмий равишда ма'қулланган бўлса ҳам, лекин бош кенгаш шу резолюция учун овозларнинг шу қадар оз кўпчилигини олдики, ҳатто буржуа матбуоти ҳам овозга қўйишнинг натижаларига бош кенгашнинг ҳақиқатда мағлубиятга учраши деб баҳо беришга мажбур бўлди.

Матбуотнинг фикрича, конгрессда Германия масаласи устидаги курашнинг натижалари лейбористлар партиясининг раҳбарлигини партиянинг яқинда бўлган йиллик конференцияси муносабати блан Ғарбий Германияни қуроллантиришга қўллаб-қувватлашдан иборат ўз сиёсати устида жиддий ўйлашга мажбур қилди. Матбуотнинг та'кидлаб ёзишича, лейбористлар партияси раҳбарларини қўллаб-қувватлаётган ўнг касаба союзларнинг раҳбарлари партиянинг конференциясида тред-юнионлар конгрессидагича қараганда ҳам камроқ овозни контроль қиладилар. Шу блан бир вақтда, Ғарбий Германияни қуроллантиришга қаршилик қилаётганларнинг кучлари лейбористлар партияси маҳаллий ташкилотлари ҳисобидан конференцияда анча мустаҳкамланди, чунки шу маҳаллий ташкилотларнинг кўпи герман милитаризмини тирилтиришга қарши бўлиб чиқдилар.

Инглиз халқининг бошқа мамлакатлардаги халқлар блан тинчликда яшашга интилаётганлиги бир оғиздан қабул қилинган ҳамда атом қуролини тақиқлаш ва одатдаги қурол-яроғларни камайтириш тўғрисида битимга келиш мақсадида беш буюк давлатнинг кенгашини чақиришни талаб қилаётган резолюцияда ўз ифодасини топди. Делегатларнинг конгрессда бу масала устида сўзлаган нутқларида АҚШнинг ҳарбий блоклар тузиш ва ячки Жаҳон уруши бошлаш мақсадида зўр бериб қуролланиш сиёсатини ўтказаётганлиги қаттиқ қораланди.

Яна шу факт ҳам катта аҳамиятга эгадирки, Британия тред-юнионлари конгресси жаҳон касаба союзлари федерациясидан чиққанидан бери биринчи марта ўлароқ конгрессда халқаро касаба союзлар бирлиги масаласи кўтарилди. Бу нарса оддий касаба союз а'золари оммасининг Британия тред-юнионлари конгресси раҳбарлигининг сиёсатидан бўлган норозилиги кучайиб бораётганлигини кўрсатади, чунки бу сиёсат касаба союз ҳаракатининг парчаланганлигини сақлаб қолишга ва жаҳон касаба союзлари федерацияси блан музокаралар олиб борилишига йўл қўймасликка қаратилган сиёсатдир.

Ички проблемалар муҳокама қилинаётган вақтда бош кенгаш квартир ҳақини ошириш учун уй хўжайинларига имконият беручи янги қонунни қоралаган резолюцияга қарши чиқиб, жиддий маглубиятга учради. Кексаларнинг аҳволини яхшилашни талаб қилучи резолюция ва маданий эҳтиёжларга чиқариладиган маблағни кўпайтиришни талаб қилучи резолюция ҳам бош кенгашнинг қаршилик кўрсатганлигига қарамай қабул қилинди.

Конгресснинг кеча бўляб ўтган охирги мажлисида Шарқдаги ва Ғарбдаги ҳамма мамлакатлар блан савдо-сотиқни кенгайтириш зарурлигини та'кидловчи ва Англия ҳукуматини Шарқий Европада ва Осиёда янги бозорлар та'минлаш имкониятларини текширишга чақиручи резолюция якдиллик блан қабул қилинди. Бу резолюция қуючилар бирлашган касаба союзи томонидан киритилган эди.

Шу касаба союзнинг бош секретари Ж. Ғарднер Англия олдида турган иқтисодий қийинчиликларни тасвирлаб берди ва Англия Ғарбий Германия ҳамда Японияннинг жаҳон бозорларида кучайиб бораётган рақобатига дуч келмоқда, деб та'кидлади. Айни вақтда, — деди у, — америкаликларнинг савдо-сотиқни мажбуран чеклаб қўйганликлари Англиянинг Совет Иттифоқига ва Шарқдаги бошқа мамлакатларга экспортни кенг миқ'ёсда кўпайтиришга халақит берди. Ғарднер айтдики, Америкадаги Бэтл қонунининг (Совет Иттифоқи ва халқ демократия мамлакатлари блан савдо-сотиқни чекловчи қонуннинг — Редакция) моддалари Англияга катта зарар етказмоқда.

Конгресс почта-телеграф идорасининг техник ходимлари касаба союзи томонидан киритилган резолюцияни ҳам қабул қилди. Бу резолюцияда қимматчиликни камайтиришни та'миллайдиган чоралар кўришга чақиради.

Электр саноати ишчилари касаба союзи томонидан киритилган резолюцияда ишҳақини камайтиришнинг ҳамма турларига қарши норозилик билдирадиган ва ишҳақи ставкаларини ошириш ва меҳнат шароитини яхшилаш йўлидаги ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш керак, дейилади.

Иккита катта касаба союзнинг реакцион вакиллари бу резолюцияга қарши чиқдилар.

Резолюцияни ёқлаб 3.002 минг овоз, унга қарши 4.564 минг овоз берилди.

Бош кенгашнинг қаршилик кўрсатишига қарамай, конгресс электр саноати ишчилари касаба союзи томонидан киритилган резолюцияни қабул қилди. Бу резолюция миллий экономиканинг ҳаётий муҳим аҳамияти бўлган тормоқларини ҳам национализация қилишга чақиради. Ўт ўчиручилар касаба союзи томонидан киритилган ва Британия мустамлакаларидаги ишчилар ҳамда халқларнинг империалистик эксплуатация қилинишига қарши норозилик билдирилган резолюция тўғрисида қаттиқ тортишувлар бўлди. Бу резолюцияда Кениядаги ва Малайядаги ҳарбий операцияларни дарҳол тўхтатиш, тинчлик ўрнатиш ва мустамлака мамлакатларида аҳолининг турмуш даражасини оширишга қаратилган сиёсат олиб бориш, аҳолига касаба союз ва демократик ҳуқуқлар бериш, «ранг-дорлик тўсиғини» йўқотиш (я'ни ирқий белгиларга қараб камситишни йўқотиш) талаб қилинган эди.

Шу резолюцияни Шотландия кончилари касаба союзининг раиси Моффат ва кончилар миллий касаба союзининг бош секретари Артур Хорнер ёқлаб чиқдилар.

Хорнер Бош кенгаш а'зоси Дикиннинг Малайядаги «террористлар», деб айтган гапларини гулдурос қарсаклар остида рад қилиб, «бу одамлар — террорчилар эмас, балки ўз мамлакатини озод қилучилардир», деди. Мустамлакалардаги халқлар, — деди Хорнер, — энди эксплуатацияга ортиқ тоқат қилишни истамайдилар.

Хорнер яна гулдурос қарсаклар остида айтдики, Англия иккининг бирини танлаб олиши керак — ё шу мамлакатлардан ўз ҳоҳиши блан чиқиб кетсин ва шу халқлар блан дўстликни сақлаб қолсин, ёки қонли кураш натижасида шу мамлакатлардан қувиб чиқарилади ва мустамлака халқларининг жаҳолати ва мустамлака халқларининг ишончини йўқотиш ва ҳаётий нафратига сазовор бўлади.

Бу резолюция қаттиқ қўллаб-қувватланди, шунинг учун ҳам Бош кенгаш уни овозга қўйишдан қўрқиб, процедура найрангини ишлатди ва кун тартибидаги навбатдаги масалага дарров ўтақолди. Шундай қилиб, у резолюцияни овозга қўйдирмади, бунга қарши қаттиқ норозилик билдируучи овозлар эшитилган пайтда раислик қилучи Таннер, бу қарорга э'тироз билдируучиларнинг ҳаммасини мажлисдан чиқариб юбораман, — деб дўқ урди.

Ж. Скотт машинасозлар бирлашган касаба союзи номидан конгресс уставига тузатиш киритишни таклиф қилучи резолюция киритди. Бош кенгаш а'золари Скоттнинг нутқини ҳалақовланиб тингладилар, чунки Скотт Бош кенгашга сайловлар ўтказишнинг ҳозирги системасини фош қилиб ташлади ва бу система йирик касаба союзларнинг икки-уч раҳбарига Бош кенгаш составига ўзларига ма'қул кишиларни танлаб олмоқ учун «савдолашиш, кўриқтиш ва ҳатто турли найранглар ишлатиш» имкониятини беради, деб айтди.

Скотт томонидан киритилган резолюция рад қилинди. Брок, касаба союз бошлиқларининг Бош кенгашга сайловлар ўтказиш вақтида йирик касаба союзлар блокининг берган овозларидан ўзларича фойдаланиш имкониятини чеклашни кўзда тутучи бу резолюцияни ёқлаб икки миллиондан кўпроқ овоз берилганлиги оддий касаба союз а'золарининг конгрессдаги реакцион раҳбарлар ҳукмронлигини синдиришга қат'ий қарор берганликларини кўрсатади.

Конгресснинг охирги мажлисидан кейин Бош кенгашнинг мажлиси бўлди. Бу мажлисда почта-телеграф хизматчилари касаба союзининг бош секретари Чарльз Геддес Британия тред-юнионлари конгресси Бош кенгашига раис қилиб сайланди.

Совет ҳукумат делегацияси Софиядан жўнаб кетди

СОФИЯ, 11 сентябрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Президиумининг а'зоси, СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари М. З. Сабуров, РСФСР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Н. Н. Беспалов, Украина ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари И. С. Сенин, армия генерали С. С. Бирюзовдан иборат составда бўлган совет ҳукумат делегацияси бугун Софиядан жўнаб кетди.

Аэродромда совет ҳукумат делегациясини Болгария Халқ Республикаси Министрлар советининг раиси В. Червенков, Халқ мажлиси Президиумининг раиси Г. Дамянов, Министрлар совети раисининг ўринбосарлари А. Югов, Г. Трайков, Г. Чанков, И. Михайлов, Р. Дамянов, Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. Живков, Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг а'золаридан Г. Цанков ва Е. Стайков, министрлар ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Совет ҳукумат делегациясини СССРнинг Болгариядаги элчиси Ю. К. Приходов, совет элчихонасининг дипломатик ходимлари, халқ демократияси мамлакатлари элчихоналарининг бошлиқлари ва а'золари ҳам кузатиб қолдилар.

Кузатиш вақтида фахрий қоровул қўйилди. Оркестр Совет Иттифоқи ва Болгария Халқ Республикасининг давлат гимнларини ижро этди.

БУТУНВЕНГРИЯ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ВИСТАВКАСИ

БУДАПЕШТ, 11 сентябрь. (ТАСС). Бугун Будапештда Бутувенгрия қишлоқ хўжалик виставкаси очилди. Бу виставка Венгрия тарихидаги энг катта қишлоқ хўжалик виставкасидир. Виставка 300 минг квадрат метр майдонда жойлашган бўлиб, унинг 40 та павильони ва бошқа хизмат бинолари ҳамда тажриба участкалари бор.

Виставкада қишлоқ хўжалиги социалистик секторининг ютуқлари кенг равишда кўрсатилган. Виставка қатнашчилари орасида 60 та давлат хўжалиги, 30 та МТС, 300 та деҳқончилик ишлаб-чиқариш кооператини, шунингдек илғор якка деҳқон хўжаликлари бор.

Механизация бўлимида 500 та энг янги қишлоқ хўжалик машиналари ва механизмлари қўйилган. Бош павильондаги махсус бўлим Венгрия қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда Совет Иттифоқининг қардошларча ёрдамини, совет тажрибасидан қандай фойдаланилаётганлигини кўрсатади.

Бутувенгрия виставкаси ютуқларни кўрсатибгина қолмай, балки илғор тажрибани ёйишни ҳам ташкил қилмоқда. Бу ерда лекциялар ўтказилмоқда, қишлоқ хўжалик темаларидаги илмий-оммабоп фильмлар кўрсатилади ва ҳоказо. Виставка ҳузурида ярмарка очилган.

Венгрия Министрлар совети раисининг биринчи ўринбосари ва ер ишлари министри Андраш Хегедюш виставкани очатуриб, бу виставкани ташкил этганда Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасининг бой тажрибасидан фойдаланилганлигини айтди.

Виставкани очиш маросимида Венгрия меҳнаткашлар партияси ва ҳукуматининг а'золари, Венгрия қишлоқ хўжалик ходимлари, жамоатчилик вакиллари, шунингдек СССР нинг Венгриядаги элчиси Ю. В. Андропов, дипломатик корпус а'золари, совет қишлоқ хўжалик ходимларининг СССР Қишлоқ хўжалик министри ўринбосари Г. Петров бошчилигидаги делегацияси ҳозир бўлдилар.

ЧЕХОСЛОВАКИЯДА ЖОСУСЛАР УСТИДАН СУД

ПРАГА, 11 сентябрь. (ТАСС). Прагада ватан хоинлари, америка жосуслари В. Кшивооглава ва Я. Губна устидан суд бўлди.

Бош айбдор Кшивооглава 1951 йилда чехословак аэроклубининг инструктори бўлиб ишлаган. У, Ғарбий Германияга қочган ва буерда америка разведкасида хизмат қилабошлаган. Кшивооглава буерда зарур тайёргарлик кўрганидан кейин, ўтган йилнинг апрель ойида жосуслик мақсадларида Чехословакияга юборилган.

У, хоин Я. Губнани жосуслик ишларига жалб этган. Жосус Ғарбий Германияга қайтиб кетишга ҳаракат қилган пайтда, Чехословакия давлат хавфсизлик органлари томонидан ушланган. Прага область суди В. Кшивооглавани умрбод тюрьма жазосига, Я. Губнани 10 йил озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилди.

ХАЛҚ ВАКИЛЛАРИНИНГ БУТУНХИТОЙ МАЖЛИСИ ОЛДИДАН

ПЕКИН, 11 сентябрь. (ТАСС). Хитой Халқ Республикасининг конституция проектини Хитойда умумхалқ ўртасида муҳокама қилиш тамом бўлди. Конституция проекти халқ вакиллари Бутунхитой мажлиси 15 сентябрьда очилганда унинг тасдиқига қўйилади.

Хитой тарихида биринчи бўлган мана шу демократик конституция проектини муҳокама қилиш вақтида унга киритилган 1.180. 420 тузатиш, қўшимча ва ўзгартишлар Хитой Халқ Республикаси конституция проектини тузучи комиссияга юборилди. Хитой Халқ Республикасининг конституция проекти вилоятлар, шаҳарлар, уезддлардаги ва қисман сянлар (волостьлар)да яқинда Хитойда бўлиб ўтган умумий сайловлар натижасида сайланган халқ вакилларининг мажлисларида ҳам муҳокама қилинди. 7390 мингдан кўпроқ лектор ва агитаторлар аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб бордилар.

Хитой Халқ Республикасининг конституция проектини умумхалқ ўртасида муҳокама қилиш, деб ёзади «Женьминьжибао» газетаси, хитой халқининг ватанпарварлигини янада юқори кўтарди, меҳнаткашларнинг ишлабчиқаришдаги активлигини янада кучайтиришга ёрдам берди.

Гоминданчиларнинг денгиздаги босқинчилиги

ПЕКИН, 11 сентябрь. (ТАСС). Синьхуа агентлигининг хабар беришига қараганда, Англиянинг «Гросвенор мэрайнер» номли савдо кемаси 6 сентябрьда Мацу ороли яқинида чанкайшичиларнинг ҳарбий кемаси томонидан ўққа тутилган. (Мацу — Фуцзянь вилояти соҳили яқинидаги орол). Бундан ташқари, гоминданчилар шу кемани қонунсиз равишда уч кун ушлаб турганлар.

Иден Брюссельга келди

ЛОНДОН, 11 сентябрь. (ТАСС). Англия ташқи ишлар министри Иден бугун Брюссельга учиб кетди. Иден Бельгия пойтахтида бўлганидан кейин Бонн, Рим ва Парижга бориб, мазкур мамлакатларнинг ташқи ишлар министрлари блан музокара олиб боради. Иденнинг бу сафари «Европа мудофаа бирлашмаси»ни вужудга келтириш планлари барбод бўлганлиги туфайли, Ғарбий Германияни қайтадан қуроллантиришнинг янги планлари блан боғлиқ, деб кўрсатадилар.

Чилида забастовка ҳаракатига қарши фавқулодда чоралар

НЬЮ-ЙОРК, 12 сентябрь. (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлиги мухбирининг Сант-Ягодан берган хабарларига қараганда, Чили ички ишлар министри генерал Парра, мис конлари, кўмир саноати ва транспорт ишчиларининг забастовкаларини тўхтатиш тўғрисида олиб борилаётган музокаралар муваффақият қозонмади ва армия забастовка марказлари бўлган беш вилоятни ўз контроли остига олди, деб э'лон қилган. Парранинг айтишига қараганда, О'хигинс, Сант-Яго, Вальпарайсо, Антофагаста ва Консепсьон вилоятлари «фавқулодда» зоналар деб э'лон қилинган. Мухбирнинг хабар беришига қараганда, «бу қамал ҳолати жорий қилиш демакдир». «Ҳукумат ма'мурлари забастовкачиларга дарҳол ишга қайтишни буюрганлар.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ БЛАН БРАЗИЛИЯ ЎРТАСИДА САВДО БИТИМИ ТУЗИЛДИ

ПРАГА, 11 сентябрь. (ТАСС). Чехословакия телеграф агентлигининг хабар беришига қараганда, яқинда Прагада Чехословакия блан Бразилия ўртасида янги савдо битими имзоланди. Битим шартларига кўра, Бразилия Чехословакияга кофе, дуккакли донлар, какао, пахта, тамаки, мева ва бошқа маҳсулотлар етказиб беради. Чехословакия Бразилияга саноат асбоб-ускуналари, прокат, машинасозлик ва химия саноати маҳсулотлари, хмель, солод ва бошқа моллар етказиб беради.

БИР ГРУППА ЧЕТЭЛ МУХБИРЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

СССР Ташқи ишлар министрлигининг Матбуот бўлими ҳузуридаги четэл доимий мухбирларининг бир группаси ўнинчи сентябрьда Тошкентга келди. Группа составида: Ли Нань — Синьхуа агентлиги (Хитой), Б. Майтчак — Польша матбуот агентлиги, А. Кимпяну — «Скинтейя» (Руминия), П. Прокоп — Чехословакия телеграф агентлиги, Б. Вапцарова-Шивачева — Болгария телеграф агентлиги бор.

Аэродромда четэл мухбирларини Ўзбекистон ССР Ташқи ишлар министрлигининг мас'ул ходимлари, республика матбуоти вакиллари кутиб олдилар.

Четэл журналистлари Ўзбекистонда бирнеча кун турадилар. (ЎзТАГ).

Инглиз-совет дўстлиги Жамияти раиси Плэттс — Миллснинг Ўзбекистонда бўлиши

Чет эллар блан маданий алоқа қилучи Ўзбекистон жамиятининг раиси Т. Жўраев инглиз-совет дўстлиги жамиятининг раиси Жон Плэттс—Миллс шарафига қабул маросими ўтказди. Қабул маросимида шаҳар жамоатчилигининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Плэттс—Миллс ва унинг хотини 12 сентябрьда Москвага жўнаб кетдилар. (ЎзТАГ).

А. А. ПАКУДИНА

Ўзбекистон КП Тошкент область партия комитетининг инструктори Александра Андреевна Пакудина узоқ давом этган оғир касалликдан кейин шу йил 11 сентябрьда вафот этди.

Александра Андреевна Пакудина комсомол сафида ва сўнгра Совет Иттифоқи Коммунистик партияси сафида социалистик қурилишда актив иштирок этди. Александра Андреевна 1930 йилдан 1941 йилгача агроном сифатида колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлашга кўп куч сарф этди. 1940 1941 йилларда у Чиноз районидаги Будённий номли колхозда правление раиси бўлиб, муваффақиятли ишлади.

1941 йилда Александра Андреевна раҳбарлик ишига кўтарилди. 1942 йилда эса Тошкент область партия комитетининг инструктори бўлди.

Александра Андреевна ўз ғайрати, партия бурчига ҳалол ва принципиал муносабатда бўлиши, кишилар блан муомалада камтарлик ва самимийлиги блан область партия комитети ходимлари ва у блан ишлаган барча ўртоқларининг ҳурматига сазовор бўлган эди.

Ўз ҳаётининг кўп йилларини партия ва Ватанга хизмат қилишга бағишлаган Александра Андреевна Пакудинанинг порлоқ хотираси узоқ вақт қалбимизда сақланади.

БИР ГРУППА ЎРТОҚЛАРИ.

Эвакуация қилинучи хитой халқ кўнгиллилари қисмларини кузатиб қолиш муносабати блан Пхеньянда тантанали йиғилиш

ПХЕНЬЯН, 11 сентябрь. (ТАСС). Кеча Пхеньянда эвакуация қилинучи хитой халқ кўнгиллилари қисмларини кузатиб қолишга бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Бу йиғилиш Корея Бирлашган демократик ватан фронти Марказий комитетининг ташаббуси блан чақирилди. Йиғилишда Корея Халқ-Демократик Республикаси Министрлар кабинети раисининг ўринбосари, миллий мудофаа министри вице-маршал Цой Ен Ген, Министрлар кабинети раисининг ўринбосарлари Пак Чан Ок, Ким Ир, Цой Чан Ик ва Хон Мен Хи, хитой халқ кўнгиллилари қўмондонлигининг вакили генерал Ван Юнжуй, дипломатия корпусининг а'золари ҳозир бўлдилар.

Цой Чан Ик Корея Бирлашган демократик ватан фронти Марказий комитети номидан нутқ сўзлади. У, Кореяшинг озодлиги ва мустақиллигига ҳамда Хитой Халқ Республикасининг хавфсизлигига қасд қилган америкаликларга агрессорларга қарши олиб борилган урушда хитой халқ кўнгиллилари қисмларининг иштироки Узоқ Шарқда ва бутун дун'ёда тинчликни ҳимоя қилиш ишига катта ҳисса қўшди, деб та'кидлади. Цой Чан Ик хитой халқ кўнгиллиларининг ўз ватанларига қайтиб борганларидан кейин демократик Хитой қурилишида янгидан-янги муваффақиятларга эришишларини тилади.

Тантанали йиғилишдан кейин Корея Халқ-Демократик Республикасининг миллий мудофаа министрлиги ўз ватанларига қайтучи хитой халқ кўнгиллилари қисмлари шарафига қабул маросими ўтказди.

Копленг ва Шарф Венадаги сайловолди йиғилишида нутқ сўзладилар

ВЕНА, 11 сентябрь. (ТАСС). «Эстеррейхише фолькс-штимме» газетасининг хабар беришига қараганда, Австрия Компартиясининг раиси Копленг «Австрия халқ оппозицияси»нинг Венадаги сайловолди йиғилишида сўзга чиқиб, ҳукуматнинг ҳарбий жиноятчиларни ва отоқли нацистларни оқлашдан иборат сиёсатини қоралаган.

Ҳарбий жиноятчи Штарембергга молмулкининг қайтариб берилиши, — деган Копленг, — реакциянинг ишчилар синфини тахқирлашидир. Шу сабабли «Австрия халқ оппозицияси» унинг мол-мулкини мусодара қилиш тўғрисида қонун қабул қилишни талаб этади.

«Австрия халқ оппозицияси» кандидатлари учун берилган ҳарбир овоз, — деди сўзининг охирида Копленг, — Австрияда фашизмни тирилтиришга қарши, Штарембергга саройларини қайтариб бермоқчи бўлаётган кишиларнинг ҳаракатларига қарши норозилик овози бўлади.

Сўнгра Австрия социалистик партиясининг раиси (сўл социалистлар) Шарф сўзга чиқиб, Австрияда милитаризмни тиклаш йўлидаги уринишларга қарши ишчилар синфининг бирлигини мустаҳкамлашга чақирган. Шарф Австрияда «солдатларнинг слётларини» ўтказишни тақиқлашни талаб қилган. У айтганки, бу «слётлар» милитаризмни ва қасосчиликни пропаганда қилиш мақсадларига хизмат этади ва милитаристик ташкилотларнинг кўрсатмаси блан ташкил қилинмоқда, бу ташкилотларнинг марказлари эса Ғарбий Германиядадир.

Хотиржамликка чек қўйиш керак

Саноат корхоналарида қишки мавсумга тайёргарлик ишларини ўз муддатида тамомлаш—давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим ишдир. Корхона ёғингарчилик ва совуқ тушган пайтгача қишда ишлаш учун тўла-тўкис тайёрланган бўлса, у, давлат программасини муваффақият блан бажариш ва меҳнат унумини систематик равишда ошириб бориш имкониятига эга бўлади. Бу муҳим масалага э'тиборсизлик блан қаралган, қурилиш ва ремонт ишларини белгиланган муддатда бажарилишига бепарволик қилинаётган корхонада давлатга ҳам, корхонага ҳам катта зарар етказилади.

Чирчиқ шаҳаридаги Ўрта Осиё химия машинасозлик заводи раҳбарларининг ўз вазифаларига ма'улиятсизлик блан қарашлари, раҳбарлик ишида рўй бераётган хотиржамликлар натижасида ўтган йили қишки мавсумга тайёргарлик ишлари қониқарсиз ўтказилди. Кўп цехларда ремонт кеч ва сифатсиз бажарилгани натижасида томлардан чакка ўтди. Станок ва бошқа ускуналар англарда ва айримлари бузилиб ишдан чиқди. Шунингдек иситиш системасининг об'ектлари тузатилмаганлиги натижасида бирнеча цехларда ишлаб чиқариш сур'ати пасайиб кетди. Ўз-ўзидан ма'лумки, бундай шароитда меҳнат унумини ошириш ва белгиланган графикда давлат планини бажариш қийин. Заводда бундай кўнгилсиз аҳволнинг содир бўлишига завод директори Платонов ва бош инженер Жирабчук ўртоқлар шахсан айбдордирлар.

Бепарволик натижасида давлатга катта зарар етказган бу беғам раҳбарлар ўтган йилги аҳволдан етарли хулоса чиқариб олмадилар. Бу йил ҳам ўтган йилги хатолар айнан такрорланмоқда.

Завод раҳбарларининг совуққонлиги натижасида бино ва ускуналарни капитал ремонт қилиш плани бирнеча ой кечикиб тузилди. Шу пайтгача ремонт учун ажратилган 335 минг сўм маблағнинг фақат 20 процентидангина фойдаланилди. Ваҳоланки, сентябрь ойигача капитал ва жорий ремонт ишларининг асосий қисми тамомланиши керак эди. Мана шу биргина мисолнинг ўзиёқ капитал ремонт ишларининг ёмон аҳволда эканлигини кўрсатади.

Шу кунгача 6 цехнинг томи капитал ремонт қилиниши керак эди. Ҳозиргача фақат биргина қуюв цехининг томини ремонт қилишга киришилди. Ремонт ишлари шу хилда борадиган бўлса, қолган 5 цехнинг ремонти 1955 йил ёзигача бемалол чўзилади.

Капитал ремонт ишларини амалга оширучи бош механика бўлими ҳам плансиз, пала-партиш ишламоқда. Бўлимда қилинадиган ишлар учун қатий график тузилмаган.

Қишки мавсумга тайёргарлик ишларининг суст боришига техника та'минот бўлимининг ёмон ишлаётганлиги ҳам сабаб бўлмоқда. Бўлим бошлиғи ўртоқ Каплерский ремонт учун зарур материалларни ўз вақтида етказиб бермаётир. Ишлабчиқариш участкалари ва уй-жой ремонти учун керакли бўлган асбоб-ускуналар доимо кечикиб келтирилади. Шу кунга қадар алибастр, ойна каби материаллар келтирилгани йўқ. Томларни ёпиш учун 10 минг квадрат метрга яқин тунука ва черепица етишмайди.

Та'минот бўлимининг бундай фаолиятсизлигидан директор Платонов ва бош инженер Жеребчукларнинг хабари йўқ эмас, албатта. Лекин улар бўлим раҳбарларига қаттиқроқ гапиришга ботинаолмайдилар.

Платонов ва Жеребчук ўртоқлар борни йўқ, йўқни бор дейишдан ҳам қайтмайдилар. Масалан, заводдаги расмий ҳужжатларда иситиш системаси об'ектларининг ремонти аллақачон тамомланган деб кўрсатилган. Бу гап ҳақиқатга сира тўғри келмайди.

Ўртоқ Соколов бошчилигидаги УНР-225 қуручилари завод ишлабчиқаришида асосий ўрин тутучи қуюв, қозончилик каби цехлардаги ускуналарни монтаж қилиш ва иситиш арматураларини аллақачон битказишлари керак эди. Аммо улар бу муҳим вазифани шу пайтга қадар чўзиб келаётирлар. Ўртоқ Соколов ишни пайсалга солмоқда. Платонов ҳам, УНР-225 га раҳбарлик қилучи 32-нчи қурилиш трестининг бошлиғи ўртоқ Лебедев ҳам бу ачинарли аҳволга тамошабин сифатида қараб келаётирлар.

Завод жамоатчилиги қишда цехларга мазут етказиб бериш ва уни сақлашни яхшилаш тўғрисидаги масалани бирнеча марта ўртага қўйди. Асбоб-ускуна ва темирчилик цехларининг ишчилари ҳам бу ҳақда завод раҳбарларига ҳақли талаб қўйдилар. Лекин раҳбарлар ишчиларга етарли миқдорда мазут етказиб бериш ва уларнинг талабларини қондиришга етарли аҳамият бермаётирлар. Мазут етишмаганлиги натижасида ўтган йили қишда кўпгина станоклар бирнеча соатлаб бекор туриб қолган эди. Шунга қарамай, бу йил ҳам раҳбарлар цехга марказлашган механизация йўли блан мазут етказиб бериш тўғрисида қуруқ ва'дабозлик қилишдан нарига ўтмаётирлар.

Заводда қиш мавсумида хомаш'ё ва тайёр материаллар сақланадиган омбор масаласи кўпдан бери ҳал қилинмай келинаётир. Бу эса ўз навбатида ишлабчиқаришга катта зарар етказади.

Шуни ҳам айтиш керакки, заводда уй-жойларни ремонт қилиш масаласи ҳам кўнгилдагидек эмас. 1954 йил учун тузилган планга асосан 12556 квадрат метр уй-жой ремонт қилиниши керак эди. Лекин шу кунга қадар фақат 500 квадрат метр уй-жой ремонтдан чиқарилди. Коллектив шартномага кўра қишга тайёргарлик ишлари 15 сентябрьгача тамомланиши мўлжалланган бўлса ҳам, келтирилган фактлардан кўриниб турибдики, қимматли фурсат бой берилмоқда.

Республикамиз саноатида салмоқли ўрин тутган «Средазхиммаш» заводининг раҳбарлари хотиржамлик ва бепарволикка чек қўйиб, қишга тайёргарлик ишларида кескин бурилиш ясашлари лозим.

П. САМОИЛОВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 14/IX да **Юрак сирлари**, 15/IX да **Қутлуғ қон**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (қишки бино) — 15/IX да **Фарҳод ва Ширин**. Фарҳод ролида — артист **Шерали Пўлатов**, Ширин ролида — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Фароғат Раҳматова**. Спектакль кеч соат 8 да бошланади.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 1954/55 йилги куз-қиш мавсумининг очилиши — 16/IX да **Ўзбекистон давлат филармонияси симфоник оркестрининг концерти**. Дирижёр — оркестрнинг бадиий раҳбари ва бош дирижёри, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган сан'ат арбоби **Алексей Козловский**, солист — РСФСРда хизмат кўрсатган сан'ат арбоби, Сталин мукофоти лауреати, профессор **Григорий Гинзбург**.

17/IX да РСФСРда хизмат кўрсатган сан'ат арбоби, Сталин мукофоти лауреати **Григорий Гинзбург** концерти. Билетлар сотилмоқда.

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА», НАВОИЙ номли, «ЎЗБЕКИСТОН», ТИКУЧИЛАР МАДАНИЯТ САРОЙИ — янги чехословак бадиий фильми **Алданган умидлар**.

НАВОИЙ номли — кеч соат 10 да **Кемалар қал'аларни штурм қилмоқда**.

«РОДИНА» — кеч соат 10 да **Нафрат мактаби**.

ЕЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ВАТАН», «УДАРНИК» — **Алданган умидлар**.

ПУШКИН номли — **Швед гугурти**.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
18/IX да кечқурун, 19/IX да кундуз ва кечқурун, 20/IX да кечқурун
ЦДКЖ (Темирйўлчилар Марказий Маданият уйи)
МОСКВА АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИНИНГ ГАСТРОЛЬЛАРИ
(состави 110 артистдан иборат)
Бадиий раҳбари — Сталин мукофоти лауреати, хизмат кўрсатган сан'ат арбоби, композитор **И. И. Любан**, балетмейстер—**Л. М. Смелянский**, дирижёр — **С. Г. Герчиков**, бош хормейстер — **И. Я. Ячменев**.
Билетлар сотилмоқда.

Ўзбекистон КП Тошкент область комитетининг партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари Область партия комитетининг инструктори

Александра Андреевна ПАКУДИНАНИНГ

шу йил 11 сентябрьда вақтсиз вафот этганини чуқур қайғу блан билдириб, марҳуманинг қариндошларига та'зия изҳор қиладилар.

Редактор ўринбосари М. ҚОРИЕВ.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЯТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136, Пропаганда бўлими — 157, Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 132, Хатлар бўлими — 132 Секретариат — 34048, Э'лонлар бўлими — 38142

Р. 079033 «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1466.